



MILLIY TIKLANISH

37 (202) ● 2012 йил 12 сентябрь, чоршанба ● Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг ижтимоий-сиёсий газетаси
 ЎЗМТДП — www.mt.uz Тахририят — www.milliytiklanish.uz 2008 йил 30 октябрдан чиқа бошлаган

Ишонч ёрликлари топширилди

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовга 11 сентябрь кuni Оқсаройда Қирғиз Республикаси, Туркменистон, Руминия ҳамда Буюк Британия ва Шимолий Ирландия Бирлашган Қиролигининг мамлакатимиздаги янги Фавкулотда ва мухтор элчилари этиб тайинланган — Эмилбек Узакбаев, Шири Шириев, Ромео Станчу ва Жорж Эдгар ишонч ёрликларини топширди.

Давлатимиз раҳбари дипломатик ваколатхоналар раҳбарларини қутлар экан, Ўзбекистон мазкур мамлакатлар билан ўзаро муносабатларни изчил ривожлантиришга муҳим эътибор беришини таъкидлади, масъулиятли ва шарафли миссиясини бажаришда элчиларга муваффақиятлар тилади.

Қирғизистон элчиси билан суҳбат чоғида бугунги кунда икки давлат ўртасидаги муносабатлар халқларимизнинг ҳамкорликдаги кўп асрлик дўстлик тажрибаси, тарихий ва маданий муштараклиги пойдеворида қурилиши ва ривожланиши мумкин ва зарур экани таъкидланди.

Қирғизистон элчиси Ўзбекистон-Қирғизистон алоқаларини ўзаро ҳурмат асосида конструктив ривожлантириш йўлида хизмат қилишни ўзининг асосий вазифаси деб билишини қайд этди.

Ўзбек ва туркман халқларининг тақдири умумий тарих ва маданият орқали чамбарчас боғланган. Ўзбекистонда Туркменистонга ҳамкорликнинг барча йўналишлари фаол мустаҳкамланиб бораётган яқин қўшни ва ишончли ҳамкор сифатида қаралади.

Мунтазам равишдаги олий даражадаги мулоқотлар давлатлараро алоқаларнинг изчил ривожини учун муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда.

Ўзаро товар айирбошлаш ҳажми ортиб, транспорт ва транзит соҳасидаги ҳамкорлик кенгаймоқда, икки мамлакат халқлари ўртасида маданий-гуманитар алоқалар фаоллашмоқда.

Элчи Шири Шириев бор куч-ғайрати ва дипломатик тажрибасини икки мамлакат ўртасидаги алоқаларни янада раванак топтиришга, давлатлараро битимлар ва эришилган келишувларни амалиётга таъбиқ этишга йўналтиришини таъкидлади.

Ўзбекистонда Руминияга Жануби-Шарқий Европадаги муҳим ва истиқболли ҳамкорлардан бири сифатида қаралади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг 1996 йилда Руминияга ташрифи чоғида икки томонлама муносабатларга мустаҳкам пойдевор қўйилиб, ҳамкорликнинг истиқболли йўналишлари белгилаб олинган.

Учрашувда томонларни қизиқтирган барча йўналишларда Ўзбекистон-Руминия алоқаларига янги суръат бағишлаш, ҳамкорликнинг икки томонлама институт ва механизмлари ишини фаоллаштириш, икки мамлакат ишбилармон доираларининг мулоқоти ва қўшма лойиҳаларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш борасида манфаатлар муштарақ экани қайд этилди.

Элчи Ромео Станчу Ўзбекистондаги миссиясини мамлакатларимиз ва халқларимиз ўртасидаги анъанавий алоқаларни янада кенгайтириш учун имконият деб билишини таъкидлади. Унинг фикрича, бугунги кунда бунинг учун барча имкониятлар мавжуд.

Барча соҳаларда ҳамкорликни изчил ривожлантиришга қаратилган Ўзбекистон-Буюк Британия мулоқотининг асосини ўзаро англашув, конструктив ёндашувлар, замонавий таҳдидларни теран идрок этиш ташкил қилади.

Суҳбат чоғида ҳамкорликдаги саъй-ҳаракатлар билан сиёсат ва хавфсизлик борасидаги икки томонлама муносабатларни мустаҳкамлаш, савдо-иқтисодий, сармоявий, маданий-гуманитар соҳаларда, мамлакатларимизнинг фуқаролик жамияти вакиллари ўртасида ҳамкорликни кенгайтириш учун зарур шарт-шароит яратилгани таъкидланди.

Учрашувда томонларни қизиқтирган халқаро ва минтақавий муаммолар юзасидан атрафлича фикр алмашилди. Жорж Эдгар Буюк Британия раҳбарияти Ўзбекистон билан муносабатларни узоқ муддатли ва ўзаро манфаатли асосда изчил ривожлантириш тарафдори эканини қайд этиб, ўзи ушбу вазифани бажариш учун бор куч-ғайратини сарфлашга тайёрлигини билдирди.



МАМЛАКАТИМИЗДА миллий маданиятимизнинг муҳим қисми бўлган халқ амалий санъати ва анъанавий хунармандчиликни янада ривожлантириш жараёнида буюк аجدодларимизнинг бой маданий меросини ўрганиш, тиклаш, асраб-авайлаш ва янада бойитишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.



БАРЧА соҳаларда эришилган муваффақият, ютуқлар замирида меҳнат ва изланиш, ташаббус ва фидойийлик муҳим ўрин тутади. "Сардоба"нинг катта жамоаси ҳам меҳнат ва ижодий изланишдан бир зум бўлса-да тўхтамади.

5 МАЪНАВИЯТ

8 КЎЗГУ

ЁШЛАР ҚАНОТИ



Ўзбекистон ифтихорлари — ёшлар даврасида

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг "Ёшлар қаноти" ҳамда Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ҳамкорлигида "Ўзбекистон ифтихорлари — ёшлар даврасида" мавзусида давра суҳбати ўтказилди. Унда ЎЗМТДП Марказий Кенгаши ва Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси аъзолари, партия Марказий Кенгаши Ижроия Кўмитаси девони ходимлари, "Ёшлар қаноти" етакчилари, партия фаоллари, XXX ёзги Лондон олимпиадаси иштирокчилари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари қатнашди.

4-бет

МУСТАҚИЛЛИК МЕНИНГ ТАҚДИРИМДА

Миллий манфаатлар ва истиқлол ғояларига хизмат қилиш

ФАРЗАНДЛИК БУРЧИМИЗ

Мамлакатимизда мустақилликнинг илк кунларидан ёш авлодни миллий қадрият, анъана ва урф-одатларимизга ҳурмат руҳида тарбиялашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Уларга яратилган шарт-шароит ва имкониятлар натижасида ёшларимиз халқаро фан олимпиадалари ва спорт мусобақаларида юртимиз шарафини муносиб ҳимоя қилмоқдалар.

Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Ватанини севган ва унинг миллий-маънавий қадриятларини ҳурмат қилувчи ёшларни ҳуқуқий демократик давлат қуриш ва очиқ фуқаролик жамиятини шакллантиришдаги етакчи куч, бошлаган эзгу ишларимизнинг давомчилари сифатида тарбиялашга кўмаклашиб келмоқда.

4-бет

СЕМИНАР

Фуқароларнинг сайлов ҳуқуқлари

ТАЪМИНЛАНИШИ ДЕМОКРАТИК ТАРАҚҚИЁТНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ

Ҳар қандай демократик ҳуқуқий давлатнинг жаҳон миқёсидаги нуфузи кўп жиҳатдан сайловларнинг қай даражада очиқ ва ошқора ҳамда демократик талабларга мос равишда ўтказилишига боғлиқ. Шу жиҳатдан овоз бериш ҳуқуқига эга барча фуқаролар учун ҳар қандай шароитда ҳам тегишли номзодлар ва сайлов жараёни тўғрисидаги ахборотларга эга бўлиш ҳуқуқларини кафолатлаш муҳим саналади.



Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг Жазони ижро этиш Бош бошқармасида "Фуқаролар сайлов ҳуқуқларининг кенг таъминла-

лар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари ҳамда Мудофаа ва хавфсизлик масалалари кўмиталари томонидан Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси, Ўзбекистон Республикаси ИИВ ҳамда Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман) билан ҳамкорликда ташкил қилинди. Унда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, сиёсий партиялар, Ўзбекистон экологик ҳаракати, Марказий Сайлов комиссияси ва тегишли вазирлик ва идоралар ходимлари, сайлов ҳуқуқи соҳаси бўйича мутахассис-олимлар ҳамда ОАВ вакиллари иштирок этди.

2-бет

МУЛОҚОТ

Парламент палаталари қўшма мажлисида эълон қилинган "Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси"да илгари сурилган гўя ва қонунчилик ташаббуслари вакиллик органларидаги депутатлик гуруҳлари фаолиятини тубдан такомиллаштириш билан бир қаторда, улар зиммасига қатор масъулиятли вазифаларни ҳам юкламоқда. Бугун бундай ваколат ва имкониятлардан маҳаллий кенгашлардаги партия депутатлик гуруҳларимиз қай даражада фойдаланишмоқда? Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши депутати, УЎФ терма жамоалар маркази директори Аскар ТОЛИБЖОНОВ билан суҳбатимиз шу хусусда кечди.

Бирламчи вазифамиз

ЭЛЕКТОРАТ МАНФААТЛАРИНИ ТАЪМИНЛАШ

3-бет

"Milliy tiklanish" газетасига обуна бўлинг!

Нашр кўрсаткичи — 158



СИЁСАТ

Фуқароларнинг сайлов ҳуқуқлари

ТАЪМИНЛАНИШИ ДЕМОКРАТИК ТАРАҚҚИЁТНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ

● МУЛОҚОТ

Бирламчи вазифамиз

ЭЛЕКТОРАТ МАНФААТЛАРИНИ ТАЪМИНЛАШ

(Давоми. Боши 1-бетда)

— Сиёсий партия олдида турган энг асосий вазифа — бу аҳолининг сиёсий фаолигини ошириш, дастурий мақсад ва гоёларни рўйбга чиқариш ҳамда жамоатчилик фикрини шакллантиришдан иборат. Бу эса ўз навбатида маҳаллий кенгашлардаги депутатлик гуруҳи зиммасига ҳам алоҳида масъулият юклайди. Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашидаги депутатлик гуруҳи фаолиятида бу масалага қай даражада эътибор берилмоқда?



Дарҳақиқат, партиянинг муҳим вазифаларидан бири жамиятда сиёсий фаоллик ва маданиятни ошириш ҳамда ижтимоий фикрнинг шакллантиришга таъсир ўтказиш эканлигини ҳеч қачон эътибордан четда қолдирмаслик керак. Жамоатчилик доимий равишда партиянинг дастуру лойиҳалари, режаларидан хабардор бўлиб туриши лозим. Бу борада депутатлик гуруҳимиз томонидан тадбирлар, давра суҳбатлари ва очик мулоқотлар ўтказишга алоҳида эътибор қаратиш керак. Масалан, ўтган давр мобайнида Тошкент шаҳар Кенгашидаги депутатлик гуруҳи ташаббуси билан 50 га яқин турли мавзулардаги тадбир ва очик мулоқотлар ўтказилди. Бу нимани аниқлатади? Энг аввало, партия фаолиятини жамоатчилик ўртасида тарғиб-таъшиқ этиш, мамлакатимизда олиб борилаётган ислохотлар мазмун-моҳиятини ўтказиш ва фуқароларда юрт истиқбол учун дахлдорлик туғишсини ўстиришга хизмат қилади.

— **Депутатнинг сайловчи олдидаги масъулияти ҳақида кўп гапиримиз. Бу-гун ҳамма депутат ҳам зиммасидаги масъулиятни ҳис қилаялarmi?**

— Бу борада эҳтимол эътирозлар бордир. Лекин шахсан мен имкон қадар ҳар ойда иккинчи марта сайловчилар билан учрашиб туришга, турли мавзуларда давра суҳбатлари, учрашув-мулоқот ва тадбирлар ўтказишга ҳаракат қиламан. Биргина мисол, яқинда Юнусобод тумани "Оқтепа" маҳалласи фуқаролар йиғини билан ҳамкорликда "Тақдиримсан, бахтимсан эркин ва обод Ватан" шiori остида "Ватан оиладан бошланади" мавзусида бўлиб ўтган давра суҳбатиде сайловчилар билан

муваққиллик гоёлари, партиянинг мақсад, вазифалари ва халқимиз фаровонлигига қаратилган чора-тадбирлар бўйича қилинадиган ишлар ҳақида ўзаро фикр алмашдик.

Мазлумки, сайловлар пайтида сайловчиларнинг ташвишига шерик бўлишга, оғирини енгил қилишга ваъда берганимиз. Ана шу ваъдага мувофиқ ўзим сайланган ҳудуд, Юнусобод тумани ва маҳаллалардаги фуқаролар учун қабул қилинган қарорларни ҳақиқатан ҳам амалга оширишга қўшничилик қилишимиз керак. Утган даврда фуқароларни қабул қилиб, уларга зарур масала ҳақидаги қарорларни қўлдан кўчуриб бердик. Жумладан, сайловчилардан келиб тушган кўчалардаги тунги ёритиш тизимини яхшилаш, қовланган жойларни текшириш ва асфальт ётқириш, маҳаллалардаги болалар майдончаларини тартибга келтиришга амалий ёрдам кўрсатиш каби бир қатор муҳим ишларни амалга оширдик.

— **Мамлакатимизнинг ёш фуқароларини ва ёш оилаларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг ҳаётида муносиб ўринларини топишига кўмаклашиш партиянинг вазифаларидан саналади. Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг Ёшлар сиёсати ва соғлом авлод масалалари бўйича доимий комиссияси аъзо-**

си сифатида илгари сурган ташаббусларингиз ҳақида тўхталсангиз?

— Ёш авлод тарбияси ўта муҳим вазифа бўлиб, бу масала ҳеч қачон долзарблигини йўқотмайди. Ёшлар масаласида биз ҳаммамиз ва ҳар доим жавобгаримиз. Шу маънода гапирадиган бўлсак, пойтахтимиздаги "Оқ тепа", "Отчопар-1" маҳаллаларида маҳалла ёшлари ва хотин-қизлар ўртасида футбол жамоаси ташкил қилиб, уларни ҳам моддий, ҳам маънавий қўллаб-қувватлашга, зарур шарт-шароитларни яратиш беришга ҳаракат қилмоқдамиз. Шунингдек, улар ўртасида турли мусобақалар ташкил этилиб, тадбирларга мамлакатимизнинг таниқли спортчилари жалб қилинди. Бу ёш авлод ўртасида спортга бўлган қизиқиш ва соғлом турмуш тарзини қарор топтиришга хизмат қилиши шубҳасиз.

— **Суҳбатимиз бевосита спорт соҳасига кўчди ва уни шу йўналишда давом эттирсак. ЎФФ терма жамоалар маркази мамлакатимиз футбол ривожига қандай ўрин тутмоқда? Марказнинг бу борадаги вазифаларини қандай тасаввур этасиз?**

— Терма жамоалар марказининг бирламчи вазифаси бу — барча йўналишда фаолият кўрсатаётган 14 га яқин терма жамоаларимизга етарли шарт-шароит яратиш беришдир. Бу шарт-шароит нимадан иборат. Аввало, етарли ўқув машқлари ташкил этиш ва жойларда янги иктидорларни аниқлаб терма жамоаларга жалб қилиш орқали халқро нуфузли мусобақаларда муносиб иштирокчини таъминлашдан иборат. Мазкур йўналишда олдимизда турган асосий вазифалардан бири терма жамоаларимизнинг ўқув машғулотларига янги илмий методик қўлланмаларни жорий қилишдир. Шу билан бир қаторда юқори натижаларни қўлга келтиришда тиббиётнинг замонавий ютуқларидан унумли фойдаланиш, спортчиларимизнинг жисмоний ҳолатини юқори даражада кўтариш, улар билан индивидуал ишлашни йўлга қўйишнинг лозими. Уйлайманки, яратилаётган имконият ва шарт-шароитлардан унумли фойдаланасан албатта ижобий натижаларга эришамиз.

Суҳбатдош: Камолиддин ХОТАМОВ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Таъкидлаш жоизки, парламент палаталари қўшма мажлисида тақдим этилган Концепцияда сайлов ҳуқуқи эркинлигини таъминлаш ва сайлов қонунчилигини такомиллаштириш бўйича илгари сурилган қонунчилик ташаббуслари мазкур тизимнинг янада демократлашувига хизмат қилмоқда. Ушбу Концепция доирасида Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракциясининг бир гуруҳ аъзолари томонидан «Сайлов эркинлигининг бундан буён ҳам таъминлиниши ва сайловга оид қонун ҳужжатларининг ривожлантирилиши муносабати билан "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида"ги ҳамда "Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунларида ўзгариш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги қонун лойиҳаси тайёрланиб, қуйи палатада биринчи ўқишда қабул қилинди. Тадбирда мазкур қонун лойиҳасини янада такомиллаштириш юзасидан ўзаро фикр алмашилди.

Семинарда сўзга чиққан Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси раиси Қ.Жўраев мамлакатимиз сайлов тизими умумэтироф ташкил ҳуқуқи ҳужжатларда мустақамланган принцип ва нормалар асосида шакллантирилган ҳамда халқро сайлов стандартлари талабларига тўла мос келишини алоҳида эътироф этди.

— Фракциямиз аъзолари томонидан тайёрланган мазкур қонун лойиҳасида сайлов тизимига киритилаётган яна бир муҳим янгилик — Бош қўмитамизда мустақамлаб қўйилган айтибсизлик презумпциясини, яъни "Жиноят содир этилганлигида айбланган ҳар бир шахснинг иши судда қонуний тартибда, ошқар кўриб чиқилиб, унинг айби аниқланмагунча у айбдор ҳисобланмайди" деган конституциявий қоидаларни келиб чиқиб, қамоқда сақлаш жойларида ҳам сайлов участкаларини ташкил этиш имконияти назарда тутилаётгани



дир, - деди ЎзМТДП МК Ижроия Қўмитаси раиси А.Турсунов. — Ушбу норманин жорий этилиши қамоқда сақлаш жойларида бўлган фуқароларнинг сайлов ҳуқуқларига амалга оширишни таъминлаш имконини беради.

— "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида"ги ҳамда "Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунларида ўзгариш ва қўшимчалар киритишнинг натижасида қонун лойиҳасида сайловолди ташвиқоти жараёнининг моҳиятини очиб бериш ва унинг бир хилда тушунилишини таъминлаш мақсадида "сайловолди ташвиқоти" тушунчаси белги-ланган, - деди Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси ва ЎзМТДП фракцияси аъзоси А.Раҳмонов. — Бундан ташқари қонун лойиҳасида сиёсий партия ва депутатликка номзодларга сайловолди ташвиқотини оммавий ахборот воситалари ва замонавий ахборот технологияларидан фойдаланган ҳолда амалга ошириш учун зарур ҳуқуқий механизмлар ҳам янги нормалар орқали мустақамлаб қўйилмоқда.

— Қонун лойиҳасини ишлаб чиқишда Ўзбекистоннинг сайлов қонунчилигига доир миллий тажрибасига таянилганлиги муҳим аҳамият касб этади, - деди Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси ва ЎзМТДП фракцияси аъзоси А.Шумуродов. — Зеро,

мамлакатимиз ўтган қисқа даврда сайлов ҳуқуқи эркинлигини таъминлаш борасида ўзига хос миллий қонунчилик базаси ва тажрибага эга бўлди. Эътироф этиш лозимки, қонун лойиҳасида сайловолди ташвиқотининг фақат сайлов қўмитаси эмас, балки овоз бериш бошланишига бир кун қолганда ўтказилишига йўл қўйилмастлиги, овоз бериш қўмитаси қадар бўлган уч кун мобайнида, шунингдек, овоз бериш куни жамоатчилик фикри сўровлари ва сайлов натижалари таҳминларини, ўтказилаётган сайлов билан боғлиқ бошқа тадқиқотларни эълон қилиш, уларни ахборот — телекоммуникация тармоқларида (шу жумладан Интернетда) жойлаштириш таъқиқлашни каби нормаларнинг мустақамлаб қўйилиши алоҳида аҳамиятга моликдир. Бу каби нормаларнинг жорий этилиши сайловчиларга ўз қарашларини, сиёсий нуқтаи назарларини белгилаб олиш, ким учун ва қайси сиёсий дастур учун овоз бериш масаласида онгли равишда қарорга келиш учун имкон яратади.

Тадбир иштирокчилари томонидан мазкур Қонуннинг қабул қилиниши ва амалга оширилиши сайлов эркинлиги принципини янада тўлиқ рўйбга чиқариш, сайловларнинг ошқоралиги ва очиклиги принципини мустақамлашга хизмат қилишига ишонч билдирилди.

Семинар қизгин мунозара, савол-жавоблар руҳида ўтди. Яқинда қонун лойиҳасини такомиллаштириш бўйича аниқ тақлифлар берилди.

Камолиддин САИДУЛОВ, "Millyi tiklanish" мухбири

● ПАРТИЯЛАРО МУНОЗАРА

Ховос Сирдарё вилоятида етук салоҳиятга эга энг кўхна туманларидан саналади. Туман аҳлининг фидокорона меҳнатлари эвазига бир пайтлар куш учса қаноти, одам юрса оёғи куюлган қақраб ётган ерлар ўзлаштирилиб, боғ-бўстонлар яратилди. Айниқса, юртимиз истиқболга эришсач, Ховоснинг қиёфаси тубдан ўзгариб, улкан бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари амалга оширилади. Замонавий қиёфадаги бир-бирдан гўзал, маҳобатли бинолар қад ростлади. Аҳолининг турмуш фаровонлиги юксалди.

Туманда бугунги кунда 82 минг 618 нафар аҳоли истиқомат қилади. Улардан 48 минг нафари меҳнатга лаёқатли, 36 минг нафар аҳоли иқтисодийнинг турли соҳаларида фаолият кўрсатиб, юрт тараққиётига ҳисса қўшиб келмоқда. Туманда саноат кенг ривожланган. "Ховосдон", "Энергонасл", "Сабина-Шахноз орзуси" каби саноат корхоналарида ишлаб чиқариш қувватлари йилдан-йилга кенгайиб, кўплаб янги иш ўринлари ташкил этиляпти. Туманда саноат салоҳиятини янада ошириш мақсадида "Саноат салоҳиятини ошириш, шунингдек, истиқболсиз корхоналарни таркибий ўзгариш, молиявий соғломлаштириш ёки тугатиш бўйича ҳудудий Дастур" асосида яқинда 22 та лойиҳа амалга оширилди. Мазкур лойиҳалар ижроси натижасида 875 миллион сўм маблағ ўзлаштирилиб, 150 та доимий иш ўрни ташкил этилди. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш мақсадида 48 та лойиҳа амалга оширилди. Соҳани кўллаб-қувватлаш мақсадида кичик бизнес субъектларига тижорат банклари томонидан 4 миллиард сўмлик кредит

маблағлари ажратилди. Натижада жорий йилнинг ўтган биринчи ярим йиллиги давомида 2184 та янги иш ўрни ташкил этилди.

Туманда ҳудудни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, аҳолининг турмуш даражасини юксалтириш, қишлоқ ва маҳаллаларда барча шарт-шароитларга эга замонавий уй-жойлар барпо этишга катта эътибор қаратиляпти. Мамлакатимиз Президентининг 2009 йил 3 августдаги "Қишлоқ жойларда уй-жой курилиши қўллаш эса 27 та намунавий лойиҳадаги уйлар бунёд этилди. Шунингдек, туманда 150 ўринли замонавий қиёфадаги болалар мусика ва санъат мактаби, спорт ўйингоҳи каби янги иш-шоотлар бунёд этилиб, аҳолига катта қулайликлар яратилмоқда. "Гулбахор", "Сохибор", "Чамбил" каби қишлоқларда ҳам ана шундай кўплаб маданий маиший объектлар ишга туширилиб, туман чиройига чирой қўшилди.

Сайловолди ваъдалар

УНИ ЎЗХДП ХОВОС ТУМАН КЕНГАШИДАГИ ДЕПУТАТЛАР УНУТИШГАН КўРИНАДИ

Худудда 3 та касб-хунар коллежи, 29 та умумтаълим мактаби, 12 та мактабгача таълим муассасаси, 2 та мактабдан ташқари муассаса, 2 та болалар ва ўсмирлар спорт, 1 та мусика ва санъат мактаби фаолият кўрсатишмоқда. Туман тиббиёт бирламчиси таркибиде 1 та марказий шифохона, 2 та поликлиника, 14 та КВП, 7 та "Тез тиббий ёрдам" бўлимиари аҳолига намуналий тиббий хизмат кўрсатиб келмоқда. Қисқаса, туман вилоят миқёсида катта иқтисодий потенциалга эга. Албатта, худудда олиб борилаётган ижтимоий-сиёсий ислохотларда партия ташкилотлари ва улардан маҳаллий кенгашга сайланган депутатларнинг ўрни муҳим бўлиши лозим. Аммо туман кенгашига сайланган депутатлар фаолияти билан яқиндан танишиб, улардаги ташаббускорлик ва фаолият бугунги кун талаблари даражасида эмаслигига гувоҳ бўлдик.

Халқ депутатлари туман кенгашида 30 нафар депутат фаолият кўрсатади. ЎзХДПдан 24 та, ЎзМТДПдан 3 та, ЎзЛиДеП ва "Адолат" СДПдан 3 та депутат сайланган. Жорий йилнинг ўтган даври мобайнида туман кенгашининг 4 та сессияси бўлиб ўтган. Сессиялар кун тартибига қўйилган масалаларни кузатар эканмиз, туман кенгашидан энг кўп ўринни эгаллаган ЎзХДП депутатлик гуруҳи вакиллари сессияларда сайловчилар ва электрот манфаатларини таъминлаш, худудни

ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш юзасидан аниқ тақлиф ёки ташаббус билан чинишмаганигига гувоҳ бўлдик. ЎзХДПнинг сайловолди дастурида "ЎзХДП аҳолига коммунал хизматлар кўрсатиш соҳасидаги қонун ҳужжатлари ижроси юзасидан ҳуқуқни қўллаш амалиётининг доимий мониторингини олиб боради" деб белгилаб қўйилган. Гарчи мазкур соҳадаги вазифалар устидан жамоатчилик назоратини амалга оширишни устувор мақсад сифатида белгилаган бўлса-да, туманда ЎзХДПдан сайланган 24 нафар депутат томонидан 2010-2012 йиллар мобайнида "Хусусий уй-жойлар мулкдорларининг ширкатлари тўғрисида"ги Қонун талабларини бажарилиши юзасидан бирон бир жўяли иш амалга оширилмаган. Қонуннинг ижроси юзасидан депутатлик назорати ўрнатилмаган.

Бир сўз билан айтганда, тумандаги турар-жойларда истиқомат ва коммуникация тизимлари фаолияти бази ҳолларда талаб даражасида эмас. Коммунал хизмат соҳасида юзага келаётган муаммолардан яна бири айрим фуқароларнинг фойдаланилган табиий газ ва электр энергиясидан қарздорлигининг ошиб бораётганидир.

Тумандаги Зафаробод қишлоқ фуқаролар йиғинида аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш муаммоси бир неча йилдан буён ҳал этилмаётган. Аммо ана шундай вазиятда аҳолига коммунал

хизматлар кўрсатиш соҳасидаги қонунлар талабларини бажаришни назорат қилиш ва мониторингини юритишда ЎзХДПдан сайланган депутатлар томонидан ҳеч қандай ташаббус ва амалий ишлар қилинмаётганлигини қандай баҳолаш керак?

Хўш, депутатлик гуруҳи аъзолари электрот манфаатларидан келиб чиққан ҳолда, "Туманда коммунал хизмат кўрсатиш сифатини ошириш, коммунал тўловлар бўйича қарздорликни қамайтириш тўғрисида" ва "Аҳолини табиий газ, электр энергияси ва тоза ичимлик суви билан таъминлаш борасида камчиликларни бартараф этиш" бўйича

оилан ва мазкур йўналишга шу кунга қадар эътиборсиз бўлиб келган ховослик ХДП вакиллари бу ҳақида эътирозлардан тегишли хулоса чиқармоқлари лозим.

ЎзХДПнинг сайловолди дастурида "Аҳолининг заиф қатламларини манзилли ижтимоий ҳимоя қилиш бўйича чора-тадбирларни қўллаш ва шу мақсадда соғлиқни сақлаш, маданият, уй-жой коммунал хўжалиги хизматларини кўрсатиш, ижтимоий қўллаб-қувватлаш ва ижтимоий таъминот соҳасида давлат минимал стандартларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш, муҳим ижтимоий дастурларни ва аҳолининг ижтимоий

ўтган сессияларида электрот манфаатларидан келиб чиқиб, бирон-бир аниқ иш қилинмаган ва амалий тақлифлар билдирилмаган.

Мазлумки, электрот манфаатини ҳимоя қилишнинг энг қулай ҳамда сигналан усули бу депутатлик сўрови институтидир. Аммо туман кенгашига ЎзХДПдан сайланган депутатлар бу институтдан етарли даражада фойдаланмаптилар. Бу уларнинг ўта суст фаолият кўрсатаётганидан яққол мисол эмасми? ЎзХДПдан сайланган айрим депутатларнинг, уларга катта ишонч билдирган сайловчилари билан алоқалари ҳам узилиб қолган. Келгуси сайловларга ҳам икки йилдан

Худудларда олиб борилаётган ижтимоий-сиёсий ислохотларда партия ташкилотлари ва улардан маҳаллий кенгашга сайланган депутатларнинг ўрни муҳим бўлиши лозим. Аммо Ховос туман кенгашига сайланган депутатлар фаолияти билан яқиндан танишиб, улардаги ташаббускорлик ва фаолият бугунги кун талаблари даражасида эмаслигига гувоҳ бўлдик.

масалаларни туман кенгаши сессияси кун тартибига кўтариб чиқишга нима тўсқинлик қилмоқда? Бундан ташқари худудда "Давлат-санитария назорати тўғрисида"ги ва "Чиндилар тўғрисида"ги Қонун талабларига риоя қилмаслик ҳоллари кузатилмоқда. Коммунал хизмат кўрсатиш соҳасидаги Қонун ҳужжатларининг жойларда ижросини таъминлаш назорат қилишга қўмаклашишни ўз зиммасига

ҳимояланганлиги даражасини оширишда ижтимоий институтларнинг фаол иштирок этилиши рағбатлантириш учун зарур шарт-шароитлар яратишига қўмаклашиш" устувор вазифа сифатида қайд этилган. Афсуски, сайловолди дастуридаги ушбу мақсад ва вазифалар ижроси ЎзХДП депутатлик гуруҳи томонидан эътиборсиз ҳолда қолмоқда. Депутатлик гуруҳи аъзолари туман кенгашининг бўлиб

зиёдроқ вақт қолди. Ана шунда сайловчилар олдида қандай қилиб чиқишар ва қандай жавоб беришар экан?

Хулоса, қилиб айтганда, халқ депутатлари Ховос тумани кенгашига ЎзХДПдан сайланган депутатлар гуруҳи фаолиятида бугун ташаббускорлик, қатъият ва изланувчанлик сезилмапти.

Анорбой НОРҚУЛОВ, "Millyi tiklanish" мухбири

ПАРТИЯ ҲАЁТИ

Ўқув-семинар

Депутатлик гуруҳлари фаолияти

САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ ЎЗМТДПНИНГ ДОИМИЙ ЭЪТИБОРИДА

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Қашқадарё вилоят Кенгаши томонидан Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти Қашқадарё вилоят ҳудудий бўлими билан ҳамкорликда «Депутатлик гуруҳлари фаолияти самарадорлигини оширишнинг долзарб вазифалари» мавзусида ўқув-семинар ташкил этилди.

ЎЗМТДП вилоят Кенгаши ва ҳудудий партия ташкилотлари ишини янада жонлантириш, электорат манфаатларини ҳимоя қилишда депутатлик гуруҳлари фаолиятини янги босқичга кўтаришга қаратилган мазкур тадбирда партия Қашқадарё вилоят Кенгаши Ижроия Кўмитаси девони ходимлари, халқ депутатлари вилоят, шаҳар ва туман Кенгашларига ЎЗМТДПдан сайланган депутатлар, бошланғич партия ташкилотлари етакчилари ҳамда ОАВ вакиллари иштирок этди.

Ўқув-семинарда "Туман ва шаҳар Кенгашларида депутатлик гуруҳлари фаолиятини ривожлантириш", "Маҳаллий Кенгаш депутатларининг ОАВ билан ҳамкорликда иш олиб бориши" ва "Партия электорати манфаатларини амалга оширишда ЎЗМТДП олдидан турган асосий масалалар" каби долзарб мавзуларда маърузалар тингланди.

— Бугунги кунда юртимизда кечаётган ислохотлар жараёни маҳаллий Кенгашлардаги депутатлик гуруҳлари фаолиятини тубдан қайта кўриб чиқишни тақозо қилади, - деди ЎЗМТДП Қашқадарё вилоят Кенгаши Ижроия Кўмитаси раиси С.Махматуминов. — Бу борада партия Марказий Кенгаши томонидан 2012 йил — электорат манфаатларига хизмат қилишда депутатлик гуруҳлари

фаолиятини янги босқичга кўтариш асосий вазифалардан бири сифатида белгилангани айни мuddа бўлди. Зеро, ЎЗМТДП дастури, сайловолди Платформасида белгиланган мақсад ва вазифалар ижросини таъминлаш, хусусан, халқимизнинг азалий қадрият, аёнана ва урф-одатларини асраш ҳамда ҳимоя қилиш, ёш авлодни Ватанга садоқат руҳида тарбиялашда халқ депутатлари вилоят, шаҳар ва туман Кенгаши депутатларининг фаоллиги муҳим аҳамият касб этади.

Тадбирда Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти Қашқадарё вилоят ҳудудий бўлими бош мутахассиси Н.Халимов сўзга чиқиб, маҳаллий Кенгаш депутатларининг оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорлигини кучайтириш масаласига эътибор қаратди. Жумладан, нотик вилоят телевидениесида эфирга узатилаётган "Депутат минбари" кўрсатувида депутатлар иштироки сустигини таъкидлаб ўтди.

Семинарда иштирокчилар ЎЗМТДП электорати манфаатларини ҳимоя қилиш ва партияларо соғлом рақобат муҳитини яратишда партия депутатлик гуруҳларининг ўрни ва ролини кучайтириш юзасидан фикр-мулоҳаза ва таклифлар билдиришди.

О.ОЧИЛОВА

халқ депутатлари Қашқадарё вилоят Кенгашига ЎЗМТДПдан сайланган депутат:

— Семинарда электорат билан ишлашда депутатлик гуруҳлари томонидан эътибор қаратилиши лозим бўлган жиҳатлар, энг аввало, амалий ташаббусларни илгари суришнинг ноанъанавий шакллари ҳақида маълумотларга эга бўлди. Бундан ташқари ЎЗМТДП сайловолди Платформасидан келиб чиққан ҳолда вилоятимиздаги мавжуд маданий мерос объектларини қайта таъмирлаш, миллий хунармандчилик турларини ривожлантириш ва аҳолини янги иш ўринлари билан таъминлашга кўмаклашиш борасида долзарб вазифаларни белгилаб олди.

Ш.ЭШНИЁЗОВА, халқ депутатлари Қарши туман Кенгашига ЎЗМТДПдан сайланган депутат:

— Бугун мамлакатимизда кечаётган ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маданий янгиланиш ва ўзгаришлар жараёнида фаол иштирок этиш олдимизда турган устувор вазифалардан саналади. Зеро, сайловчилар бизга ишонч билдиришган ва бунга амалий ташаббуслар билан жавоб беришимиз лозим. Шу нуқтаи назардан мазкур ўқув-семинар бизга, аввало, ўз устимизда янада кўпроқ ишлашимиз зарурлигини ўргатиш билан бирга электорат манфаатларини ифода этишга қаратилган долзарб вазифаларни бажаришда ҳар жиҳатдан фойдали бўлиши шубҳасиз.

Абдулла НАБИЕВ, ЎЗМТДП Қашқадарё вилоят Кенгаши Ижроия Кўмитаси девони етакчи мутахассиси

АЁЛЛАР ҚАНОТИ



Ёш оилалар мустаҳкамлиги

ЖАМИЯТ БАРҚАРОРЛИГИНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси "Аёллар қаноти", Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳамда Республика "Оила" илмий-амалий маркази ҳамкорлигида "Мустаҳкам оила йили" муносабати билан "Ёш оилалар мустаҳкамлиги — жамият барқарорлигининг муҳим омили" мавзусида давра суҳбати ўтказилди. Унда партия Марказий Кенгаши ва Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси аъзолари, "Аёллар қаноти" етакчилари, Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ва Республика "Оила" илмий-амалий маркази ходимлари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Давра суҳбати ЎЗМТДП дастурий мақсад ва вазифаларидан келиб чиққан ҳолда ёш оилаларни юксак маънавиятли ва ахлоқли, миллий қадрият ва аёнана-наларимизнинг давомчилари сифатида тарбиялаш, уларда соғлом муҳитни қарор топтириш ҳамда баркамол авлодни вояга етказишга кўмаклашиш мақсадида ташкил этилди.

Тадбирда партия сайловолди Платформасида белгиланган "Юксак маънавиятли оила орқали юксак тараққиёт сари" деган ғояга асосланган лойиҳа ҳамда жорий "Мустаҳкам оила йили" Давлат

дастури доирасида жамиятнинг асосий бўлини бўлган оила институти, унинг қадриятларини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш, оилалар, айниқса, ёш оилаларнинг қонуний ва ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш борасида ЎЗМТДП "Аёллар қаноти" томонидан амалга оширилаётган ишлар юзасидан маълумот берилди.

— Оила — жамиятнинг кичик бўлини, соғлом ва баркамол авлод камолга етадиган табаррук маскан, ҳар бир инсоннинг илк ҳаётий тушунча ва тасаввурлари шаклландириган муқаддас кўрғон саналади, - деди ЎЗМТДП фракцияси аъзоси М.Алимова. — Шу боис ёш оилалар мустаҳкамлигини таъминлашда, энг аввало, оиладаги маънавий соғлом муҳит, ахлоқий баркамолликка эришиш керак. Зеро, оила халқимизнинг кўп асрлик аёнана ва руҳиятига мос бўлган ғоят муҳим ҳаётий қадриятлардан биридир. Бу борада тарғибот-ташвиқот ишларини жойларда, хусусан, оила куриш арафасидаги ёшлар ўртасида мунтазам ўтказиш лозим.

Давра суҳбати давомида ёшларга оила куриш масъулияти вазифа эканини аниқлашти, соғлом оилани шакллантириш, юксак маънавий-ахлоқий муҳитни қарор топтириш учун зарур шарт-шароит яратиш, ёшларни оила куришга тайёрлаш, оилалар мустаҳкамлиги ва манфаатларини таъминлаш, соғлом фарзанд тарбиялаш ва вояга етказишга кўмаклашиш борасида партия, давлат ва нодавлат ташкилотлари ўртасида доимий ҳамкорлик олиб бориш лозимлиги алоҳида таъкидланди.

ЎЗМТДП МК Ахборот хизмати



БОШЛАНҒИЧ ПАРТИЯ ТАШКИЛОТЛАРИ — БОШ ТАЯНЧИМИЗ

Ўқув-семинарлар самараси

ФАОЛИЯТИМИЗДА АКС ЭТМОҒИ ЛОЗИМ

Юртимизда мустақиллик йилларида амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотлар ва жамият ҳаётида юз бераётган ижтимоий-сиёсий жараёнлар туфайли аҳолининг дунёқараши ўзгариб бормоқда. Бу борада сиёсий партиялар ўз дастури ҳамда сайловолди Платформасидан келиб чиққан ҳолда аҳоли, айниқса, аёллар ва ёшларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини оширишга кўмаклашишга ҳаракат қилмоқдалар. Мазкур жараёнда уларнинг асосий таянчи саналган бошланғич партия ташкилотлари ва маҳаллий Кенгаш депутатлари муҳим ўрин тутмоқда.

ЎЗМТДП Шеробод туман Кенгаши томонидан ҳам партия дастури, сайловолди Платформасида белгиланган мақсад ва вазифалар ижросини таъминлаш, электорат манфаатларини ҳимоя қилиш ҳамда юртимизда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотлар мазмун-моҳиятини жамоатчилик орасида тарғиб-ташвиқ қилиш мақсадида қатор ўқув-семинар, давра суҳбатлари ўтказилмоқда.

— Партия мафураси ва ғоясини жамоатчиликка етказиш, сайловчиларга янада яқинроқ бўлишда куйи бўгин ва маҳаллий Кенгаш депутатлари фаоллиги муҳим аҳамият касб этади, - дейди ЎЗМТДП Шеробод туман Кенгаши Ижроия Кўмитаси раиси Б.Йўлдошев. — Шу боис бошланғич партия ташкилотлари етакчиларининг сиёсий-ҳуқуқий саводхонлигини ошириш, билим ва кўникмаларини янада мустаҳкамлашга қаратилган қатор ўқув-семинарлар ўтказилди. Натижанда куйи бўгинлар фаолиятида ан-

чайин жонланиш сезилмоқда. Жумладан, "Кўхитон" фермерлар уюшмаси қошида ташкил этилган бошланғич партия ташкилоти фаолияти бунга мисол бўла олади. 2009 йилда тузилган мазкур БПТ 36 нафар ЎЗМТДП аъзосини бирлаштирган. Жорий йилнинг ўтган даврида куйи бўгин томонидан электорат манфаатларини ҳимоя қилиш, қонулар ва давлат дастурлари мазмун-моҳиятини аҳоли орасида тарғиб қилишга қаратилган қатор тадбирлар ташкил этилди. "Мустаҳкам оила жамиятимизнинг ҳал қилувчи кучидир", "Ёшлар — бизнинг келажагимиз", "Глобаллашгаётган дунёда Ўзбекистон ёшларининг ўрни", "Хотин-қизлар фаоллиги — давр талаби", "Миллий қадриятлар — маънавият пойдевори" каби мавзулардаги тадбирлар шулар жумласидандир.

— ЎЗМТДП дастури ва сайловолди Платформасида белгиланган мақсад ва вазифалар ижросини таъминлаш, уни аҳоли орасида кенг тарғиб қилишда куйи бўгин аъзоларида фаоллик ҳамда ташаббускорлик талаб этилади, - дейди БПТ етакчиси О.Раҳмонова. — Шу боис ташкилотимиз ҳудудда оилавий тадбиркорлик ва миллий хунармандчиликни янада ривожлантириш, соҳага ёшларни жалб қилиш юзасидан қатор амалий ташаббуслар кўрсатмоқда. Хусусан, аҳоли-

нинг асосий қисми қорвачилик билан шуғулланишини ҳисобга олиб, ҳудудни арзон озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш ёки туманга арзон сут ва гўшт маҳсулотларини етказиб беришга кўмаклашиш таклифи билан чиқди. Ушбу ҳаракат жамоатчиликнинг партия хайрихоҳлари сафини ортисида муҳим омили бўлди.

Маълумки, ЎЗМТДП Марказий Кенгаши ташаббуси билан Ўзбекистон Республикаси, "Хунарман" уюшмаси ҳамкорлигида оилавий тадбиркор ва хунармандларни ҳар томонлама кўллаб-қувватлаш мақсадида тижорат банкларида имтиёзли кредитлар олишларига кўмаклашилмоқда. Ҳозиргача лойиҳа республиканинг тўртта вилоятида муваффақиятли амалга оширилди. Мазкур лойиҳада иштирок этишни режалаштирган куйи бўгин ҳудудда касаначиликни ривожлантириш, хотин-қизларга иш ўринлари ташкил этишга кўмаклашиш мақсадида ўз тақлиф ва бизнес режасини партия туман Кенгаши ҳамда маҳаллий Кенгаш депутатларига билдирди. Лойиҳа амалга ошса, уюшмадаги 20 нафардан ортик хотин-қиз иш билан таъминланади.

Нилуфар ХУЖАМШУКУРОВА, ЎЗМТДП Сурхондарё вилоят Кенгаши Ижроия Кўмитаси матбуот котиби

ПАРТИЯ ХРОНИКАСИ

Ватанпарвар, юртига садоқатли

ЁШЛАРНИ ВОЯГА ЕТКАЗИШ — УСТУВОР ВАЗИФАМИЗ

ТОШКЕНТ ШАҲРИ

Истиқлолнинг шонли 21 йиллик шодиёналари мамлакатимизда катта тантана билан кутиб олинди. Шу кунларда юртимизнинг барча гўшалари, шаҳару қишлоқларида байрам тадбирлари давом этмоқда.

ЎЗМТДП Олмасор туман Кенгаши, Маънавият тарғибот маркази туман бўлими ҳамда Шарқ яққа кураши жанг санъатларини кўллаб-қувватлаш маркази ҳамкорлигида «Тақдиримсан, бахтимсан, эркин ва обод Ватан» широри остида «Озод ва обод Ватанда бахтли яшаш — ўз кўлимизда» мавзусида тадбир бўлиб ўтди. Унда партия туман Кенгаши аъзолари, "Истиқбол" маҳалла фуқаролар йиғини фаоллари, Шарқ яққа курашнинг ривожлантириш маркази спортчилари, бошланғич партия ташкилотлари етакчилари иштирок этди. Тадбирда ЎЗМТДП Олмасор туман Кенгаши раиси ўринбосари Р.Омонов, Маънавият тарғибот маркази туман бўлими раҳбари М.Алибаева, Шарқ яққа кураши жанг санъатларини кўллаб-қувватлаш маркази ходими Ш.Алибаев ва "Аштар-карате" федерацияси вице-президенти Ким Вадим сўзга чиқиб, ўтган йилги бир йил мобайнида мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотлар ҳақида тўхталиб ўтдилар.

Таъкидланганидек, истиқлолнинг ҳар бир санаси тарих солномасида том маънода ёрқин саҳифа бўлиб, унинг замирида халқимизнинг фидокорона меҳнати, бунёдкорлик салоҳияти муҳассамдир. Серкўшар Ўзбекистон мустақиллигини кўлга киритганига 21 йил тўлишига қарамай, шу қисқа давр ичида диёримиз гуллаб-яшнамоқда.

ЎЗМТДП томонидан эркин, озод ва фаровон ҳаётимиз, гуруримиз, ифтихоримиз тимсоли сифатида кенг нишонланиб келинаётган, мустақиллик байрамига бағишланган бу каби тадбирлар ёш авлод қалбига Ватанга меҳр ва садоқат туйғусини юксалтиришга ҳисса қўшади.

АНДИЖОН

ЎЗМТДП Пахтаобод туман Кенгаши "Аёллар қаноти" томонидан "Миллий қадриятлар давомийлигини таъминлашда хотин-қизларнинг роли" мавзусида семинар ўтказилди. Унда партия туман Кенгаши аъзолари, "Аёллар қаноти", "Ёшлар қаноти" етакчилари, халқ депутатлари вилоят, шаҳар ва туман Кенгашларига ЎЗМТДПдан сайланган депутатлар ҳамда ёшлар иштирок этди.

Тадбирда сўзга чиққан партия Пахтаобод туман Кенгаши Ижроия Кўмитаси раиси О.Хайиталиева мамлакатимизда мустақиллик йилларида хотин-қизларга яратилаётган кенг имконият ва шароитлар ҳамда уларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш юзасидан амалга оширилаётган изчил ислохотларга эътибор қаратди.

— Юртимизда аёлларнинг маънавий-маърифий ва сиёсий фаоллигини ошириш йўналишида салмоқли ютуқлар кўлга киритилмоқда, - деди нотик. — Жумладан, ЎЗМТДП "Аёллар қаноти" томонидан уларда миллий қадрият, аёнана ва урф-одатларимизга нисбатан ҳурмат туйғусини шакллантириш, оила ва жамият ҳаётида муносиб ўрин топиши, ҳуқуқий саводхонлигини юксалтиришга кўмаклашишга қаратилган қатор давра суҳбати, тадбир ва ўқув-семинарлар ташкил этилмоқда. Мазкур тадбир ҳам партия дастурида белгиланган эълум мақсад ва вазифаларга қаратилганлиги билан аҳамиятлидир.

Тадбирда, жорий йил "Мустаҳкам оила йили" Давлат дастурининг жойлардаги ижросини таъминлаш, аёлларнинг жамият ҳаётидаги ўрнини янада мустаҳкамлашга қаратилган тарғибот тадбирларини кучайтириш юзасидан фикр-мулоҳаза ва таклифлар билдирилди.

БУХОРО

Ёш авлодни ватанпарварлик, миллий ғояга содиқлик руҳида тарбиялаш, улар қалбига миллий гурур уйғотиш, истеъдодли ёшларни аниқлаш ва кўллаб-қувватлашга кўмаклашиш Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг устувор вазифалари сирасига кирди.

Партия Когон туман Кенгаши, туман халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлими, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати туман бўлими Кенгаши билан ҳамкорликда ўсмир қизлар ўртасида "Миллий тикланиш" соврини учун аёнанавий спорт мусобақаси ташкил этилди. Унда иштирокчилар спортнинг миллий кураш, арқон тортиш, шахмат-шашка, кўл тўпи, волейбол ва футбол турлари бўйича ўзаро беллашдилар.

Тадбирда мамлакатимизда йигит-қизларнинг таълим олиши, касб-хунар эгаллаши, асосийли, маънави ва жисмонан соғлом, баркамол авлод бўлиб ўлғайишларига қаратилаётган эътибор алоҳида эътироф этилди. Мазкур йўналишда партия сайловолди Платформасида белгиланган мақсад ва вазифаларидан келиб чиққан ҳолда халқимизнинг илмий-тарихий меросини чуқур ўрганиш ва эришилган ютуқларни ўлгайиб келаётган авлод орасида кенг тарғиб қилиш, ёшларда миллий қадрият, аёнана ва урф-одатларимизга нисбатан ҳурмат туйғусини шакллантириш юзасидан ЎЗМТДП ҳудудий ташкилотлари томонидан амалга оширилаётган ишлар ҳақида фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Тадбир сўнггида беллашув ғолибларига партия туман Кенгашининг фахрий ёрлик ва эсдалик совғалари топширилди.

ХОРАЗМ

ЎЗМТДП Хоразм вилоят Кенгаши томонидан "Тақдиримсан, бахтимсан эркин ва обод ватан" широри остида "Мустақилликка тенгдош оилалар" мавзусида тадбир ўтказилди. Унда партия Хоразм вилоят ва Урганч шаҳар Кенгаши аъзолари, халқ депутатлари шаҳар Кенгашига ЎЗМТДПдан сайланган депутатлар, оила курганларига 21 йил бўлган оилалар ҳамда ОАВ вакиллари иштирок этди. Тадбир "Юксак маънавиятли оила орқали юксак тараққиёт сари" лойиҳаси доирасида 21 йил давомида баҳам-жиҳат яшаб келаётган оилалар ва уларнинг фарзандлари эришган муваффақиятларини эътироф этиш ва намуна қилиб кўрсатиш мақсадида ташкил этилди.

ЎЗМТДП Хоразм вилоят Кенгаши Ижроия Кўмитаси раиси Б.Бобожонов истиқлол йилларида мамлакатимизнинг иқтисодий, ижтимоий қудратини ошириш, юксак маънавиятли, билимли баркамол авлодни вояга етказиш борасида кенг кўламли ислохотлар амалга оширилаётганини эътироф этди. Шунингдек, ЎЗМТДП сайловолди Платформасида белгиланган шахсининг шаклланишида оиланинг ўрни беқибс эканлигиндан келиб чиқиб, оила институти ва унинг қадриятларини мустаҳкамлаш борасида партия вилоят Кенгаши томонидан амалга оширилаётган ишларга тўхтади.

Тадбирда сўзга чиққан намунали оилалар вакиллари мустақиллик йилларида оилаларга қаратилаётган алоҳида эътибор, фарзандларимизни ҳар томонлама баркамол бўлиб вояга етиши учун яратилаётган шароит ҳамда имкониятлардан умумий фойдаланиш юзасидан фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.

Санъаткорларнинг ватанни мадҳ этувчи куй ва қўшиқлари тадбирга ўзгача шукӯҳ бағишлади.

Эргаш ХУЖАЕВ, "Миллий тикланиш" муҳбири

ЎЗМТДП ЁШЛАРИ

● ЁШЛАР ҚАНОТИ



Ўзбекистон ифтихорлари — ёшлар даврасида

(Давоми. Боши 1-бетда)

Давра суҳбатда ЎзМТДП фаоллари дзюдо бўйича Ўзбекистон терма жамоаси аъзоси, "Ўзбекистонда хизмат кўрсатган спортчи" фахрий унвони соҳиби Рамзиддин Сайидов ва кураш бўйича халқаро тоифадаги спорт устаси, дзюдо бўйича 6-дан белбоғ эгаси, II даражали "Соғлом авлод учун" ордени соҳиби Фарход Тўраев билан учрашиб, бевосита мулоқот ўтказдилар.

Тадбирни ЎзМТДП Марказий Кенгаши Ижроия Қўмитаси раиси Уринбосари Арслон Эшмуродов кириш сўзи билан очиб, жумладан, шундай деди:

— Барчангизга маълумки, партиямиз "Ёшлар қаноти" томонидан халқимизнинг назарига тушган, ҳақиқий маънодаги Ўзбекистон ифтихорига айланган партиядошларимиз, қолаверса, юртимизнинг сеvimли фарзандлари билан бевосита учрашувлари имоний ўтказиш аъёнага айланган. Шу нуқтага назардан бугунги тадбирга Ўзбекистоннинг ардоқли ва сеvimли фарзандлари — спорт соҳасида катта натижаларни кўлга киритган спортчиларни тақдир этдик. Мақсад эса ягона — ёшлар онгига миллий гуруҳ ва ватанпарварлик туйғуларини шакллантириш ҳамда уларнинг спортга бўлган меҳрини янада юксалтиришдан иборат. Ўйлаймики, тадбир иштирокчилари таниқли спорт юлдузлари билан мулоқот қилиш баробарида спортнинг инсон учун не-

қоғлик муҳим эканини англаб, ўз олдига катта мақсадларни қўйишга бўлса ажасмас.

Тадбирда сўзга чиққанлар мамлакатимизда спортни ривожлантириш борасида амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотлар ҳар жиҳатдан соғлом ва баркамол авлодни воёга етказишга хизмат қилаётгани, юртимизнинг чекка ҳудудларида ҳам замонавий стадионлар, сув ҳавзалари ҳамда спорт иншоотлари қад ростлаётгани, бунинг натижасида кўпбалла истеъдодли спортчилар етишиб чиқаётганини алоҳида таъкидлади.

— Юртимизда кейинги йилларда спортга берилётган юксак эътибор натижасида спортчиларимиз жаҳон ареналарида юқори натижаларни қайд этиб, Осиё ва Жаҳон чемпионатлари, ҳар тўрт йилликнинг энг нуфузли спорт байрами ҳисобланган Олимпия ўйинларида ҳам голиб ва совриндорлар сафидан жой олиб, юртимиз байроғини баланд кўтариш ҳамда мадҳиямиз янграшига сабаб бўлмоқда, — деди Олий Махлус Қонунчилик палатасининг Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси раиси, ЎзМТДП фракцияси аъзоси Абдуғофур Маматов.

— Жумладан, дзюдо бўйича Ўзбекистон терма жамоаси аъзоси Рамзиддин Сайидов қатор халқаро мусобақа ва турнирларда иштирок этиб, голиблар сафидан жой олди. Олимпия ва Осиё ўйинларидаги иштироки, Ватанимизнинг халқаро миқёсидаги обрў-эътибори ва нуфузини ошириш, спортнинг

дзюдо турини ривожлантиришдаги хизматлари учун "Ўзбекистон белгиси" кўрак нишони, "Шуҳрат" медали ва "Ўзбекистонда хизмат кўрсатган спортчи" фахрий унвони соҳибига айланган. Шунингдек, кураш бўйича халқаро тоифадаги спорт устаси Фарход Тўраев "Ўзбекистонда хизмат кўрсатган спортчи" ва II даражали "Соғлом авлод учун" ордени билан тақдирланди. Ишонимизки, бугунги тадбирдан сўнг "Ёшлар қаноти"нинг спортчи вакиллари чемпион акаларига ҳавас қилиб, катта ютуқларни кўлга киритишади. Спортчиларимизнинг эришган ютуқлари эса келгусида спортсевар ёшларни жаҳон майдонларида янги-янги марраларни забт этишга чорлайди.

Тадбир давомида иштирокчилар спортчиларга ўзларини қизиқтирган саволлар билан мурожаат қилдилар. Сарол-жавоблар очик мулоқот ва кизгин суҳбатларга уланиб кетди.

— Алоҳида таъкидлашни истардимки, спорт инсонни ҳар жиҳатдан тарбиялаб, ўзига бўлган ишончнинг орттиради, — деди Рамзиддин Сайидов. — Шу маънода болаларни спортга жалб қилиб, уларга шарт-шароит яратиб берилётгани тўғрисида истеъдодли спортчилар етишиб чиқмоқда. Бугунги тадбир иштирокчилари ҳам спортни чин дилдан севувчи ёшлар экани уларнинг юз-кўзида, берган самоволарида акс этиб турибди. Ёшларга қарата бир нарса айтмоқчиманки, ҳар гал турли мамлакатларда ўтказилаётган спорт мусобақаларида голиб бўлиб, мад-

ҳиямиз янграганида кўларимга ёш келади. Бу ҳис-туйғунинг гашти ўзгача бўлади. Чунки, онаюрт мадҳиясини ўзга юртда эшитиш ва бу пайтда бошқа давлат вакиллари ҳам кўксига кўл қўйиб туришини кўриш катта бахт. Бу бахт ҳар бир ёш спортчига насиб қилишини, бир неча йиллардан сўнг энг нуфузли мусобақа ареналарини фақат ўзбек ёшлари забт этишини тилаб қоламан.

Тадбир сўнггида ЎзМТДП мақсад ва ғояларига хайрихоҳ бир гуруҳ ёшлар партия аъзоллигига қабул қилиниб, уларга аъзолик гувоҳномалари топширилди.

Дилшодбек КАТТАБЕКОВ, ЎзМТДП аъзоси:

— Мустақиллигимизнинг 21 йиллик шодиёналари юртимизнинг барча ҳудудларида кенг нишонланмоқда. Хусусан, бу азиз байрамни сиёсий партиялар ҳам муносиб кутиб олишди. Бунга биз улар томонидан ўтказилаётган турли тадбирлар, давра суҳбатларида гувоҳ бўлиб турибмиз. Мен ҳам Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг деярли барча тадбирларида иштирок этаман. Ҳақиқий миллийлик, миллий гуруҳ ва миллий ғоялар акс этиб турган партия сайловолди Платформаси билан танишиб чиқиб, шу партияга аъзо бўлдим. Шунингдек, сиёсий-ҳуқуқий билимларини юксалтириш, юртимизда кечаётган сиёсий жараёнларда бевосита иштирок этишни мақсад қилдим. ЎзМТДП аъзоси ва саяҳаткор сифатида бундан кейинги фаолиятимизда партия мақсад ва вазифаларини аҳоли орасида кенг тарғиб қилиб, партия томонидан ташкил этилаётган тадбирларнинг фаол иштирокчиси бўлишга ҳаракат қиламан.

Наргиза НУРАЛИЕВА, ЎзМТДП аъзоси:

— Бугунги тадбирдан таассуротларим катта. Чунки Ўзбекистон ифтихорлари бўлмиш олимпия ўйинлари иштирокчилари билан юзма-юз суҳбат қилиш барча тенгдошларим сингари менинг ҳам спортга бўлган меҳримни янада кучайтирди. Алоҳида таъкидлашни истардимки, олимпия ўйинларида голиб бўлиш билан бир қаторда у ерда иштирок этиш, бешик, ўлик ва боринги юзликдан ўрин эгаллаш спортчидан катта маҳорат талаб этади. Шу маънода бизнинг 50 дан ортқ спортчиларимизнинг мазкур нуфузли спорт байрамидаги иштироки ҳар биримизга гуруҳ бағишлайди. Уларнинг таълимини олган, маҳорат силрлари ва тўплаган тажрибаларини пухта эгаллаган шогирдлар ҳам келгусида Ватанимиз шаъни, кадр қимматини жаҳон майдонларида муносиб ҳимоя қилишлари шубҳасиз.

Шоҳида ДАМАНОВА, "Milliy tiklanish" мухбири

● МУСТАҚИЛЛИК МЕНИНГ ТАҚДИРИМДА

Миллий манфаатлар ва истиқлол ғояларига хизмат қилиш

ФАРЗАНДЛИК БУРЧИМИЗ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Партиямиз сафидаги ёшлар юртимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотлар жараёнида фаол иштирок этишга интил-

моқда. ЎзМТДП "Ёшлар қаноти" фаоллари орасида Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндорларининг борлиги ҳам фикримиз далилидир. Уларнинг истиқлол берган имкониятлар ҳақидаги фикр-мулоҳазалари билан ўртоқлашдик.

Дилрабо ЖУМАТОВА, ЎзМТДП аъзоси, Зулфия номидаги давлат мукофоти совриндори:

— Маълумки, инсон ўз олдига қўйган мақсадларига эришиши учун унга имкон берилиши керак. Катта мақсадлар, эзгу орзулар ижобати яратилган шароитларга боғлиқ бўлади. Шу маънода юртимизда мустақилликнинг илк йилларидан баркамол авлод келажигига берилётган юксак эътибор тўғрисида ўзбек ёшлари улкан ютуқларни кўлга киритмоқда. Мен ҳам ҳали мактабда ўқиб юрган кезларимдаёқ Президентимиз Зулфия номидаги Давлат мукофоти билан тақдирланганим мустақиллик берган улкан имкониятлар, беқиёс шарт-шароитлар самараси, десам муболага бўлмайди. Ушбу мукофот менга янада катта масъулият юклатди. Зулфиянонимга муносиб издош бўлишга ҳар дақиқа, ҳар сонияда ҳаракат қила бошладим.

Мамлакатимизнинг нуфузли олий ўқув юртиларидан бири Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети халқаро журналистика факультетининг бакалавр, магистратура ва аспирантура босқичларини имтиёзли тамом-

ладим. Ҳозир шу даргоҳда илмий изланишлар олиб бормоқдаман. Шунингдек, бу азиз масканда устоз бўлиш бахтига муяссар бўлдим. Истиқлолнинг яна бир тўғрисида мен устоз ва шогирд ўртасидаги аъёнавий кўприк қайта қурилгани бўлди. Биласизми, истиқлол менга, аввало, сонияма сония, дақиқам дақиқа улғайиш, камолотга интилиш, илм олиш имконини берди. Томошабин эмас, иштирокчи бўлишни ўргатди ва бефарқликдан узоқлаштирди. Юртимизнинг ҳар бир ёш фуқароси мамлакатда амалга оширилаётган ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ислохотларга нисбатан ўз фикри, ўз нуқтаи назарини айтиш имкониятига эга бўлди.

Айтиш мумкинки, Ўзбекистон демократик тамойилларга таянган мамлакат. Бунинг билан сиёсий партиялар ўртасидаги эркин рақобат, уларга яратилган шароитларда ҳам кўриш мумкин. Парламент палаталарининг қўшма мажлисида тақдим этилган Концепциядан сўнг уларнинг мамлакат ҳаётидаги ўрни янада кучай-



ди. Мен Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси аъзосиман. Партия сайловолди Платформасида ЎзМТДП ёшларнинг замонавий билим, касб-ҳор ва мутахассисликларни эгаллашга рағбатлантириш, иқтидорли, истеъдодли ёшларни аниқлаш ва кўллаб-қувватлашни ўзининг устувор вазифаларидан бири деб билади, дея таъкидлангани айна дилимдаги гаплар эди. Қарашларим, мақсадларим партия дастурига мос келгани учун айнан ЎзМТДПни танладим.

Мафтуна НОРМАТОВА, ЎзМТДП Қашқадарё вилоят "Ёшлар қаноти" фаоли, Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндори:



ланд олинг, азиз болаларим!" деган гаплари ҳар биримизга куч бағишлади. Бу эътироф ўзимга бўлган ишончнинг орттириди. Юртимизда ёшлар учун яратиб берилган шарт-шароитлар тўғрисида ўз имкониятларини тўла намоян этишга интилмоқдаман. Ўқувчилик пайтларимда-ноқ катта ютуқларни кўлга киритдим. Туман, вилоят ва республика миқёсидаги кўплаб кўрик-танловлар голибига айландим. "Наврўз ва миллий қадриятлар", "Хуқуқ билимлари", "Конституция — бахтимиз пойдевори" каби танловлардаги ютуқларим ўзимга бўлган ишончнинг янада орттириди. Жорий йил ҳаётимдаги энг катта ютуғим — Зулфия номидаги Давлат мукофоти кўлга киритдим. Бу нуфузли мукофот масъулиятимни изланишга, ўз устимда янада кўпроқ ишлашга ундамоқда.

Мамлакатимизда кечаётган сиёсий жараёнларда фаол иштирок этиш, сиёсий-ҳуқуқий би-

лиминини бойитиш мақсадида Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясига аъзо бўлдим. Партия томонидан ташкил этилаётган турли ўқув-семинар, тарғибот тадбирлари ва конференцияларда фаол иштирок этишга, тенгдошларим орасида партия мақсад ва вазифаларини кенг тарғиб этишга ҳаракат қилмоқдаман. Бу йил ЎзМТДПнинг йирик лойиҳаларидан бири "Донолик ва ташаббускорлик — сиёсий етакчилик мезони" кўрик-танловининг туман, вилоят босқичларида иштирок этиб, голибликни кўлга киритдим. Айни пайтда мазкур танловнинг Республика босқичига астойдил тайёрларик кўряпман.

Муҳтасар айтганда, партиядаги фаолиятим орқали миллий қадриятлар ва уфқ-одакларга янада яқин ва дахлдор бўлиш, юрт қорига камарбасталик буюк мақсадларимдан биридир. Бу йўлда фаол ҳаракат қилишни ҳаётим мезонига айлантирганман.

Дилрабо МАТКАРИМОВА, ЎзМТДП Хоразм вилоят Кенгаши "Ёшлар қаноти" фаоли, Зулфия номидаги давлат мукофоти совриндори:

— Мактабда ўқиб юрган кезларимда ота-онам "Биз ўқиган пайтларда бундай шароитлар йўқ эди, бу кунларнинг қадрига етишиш керак, шароитлардан оқилона фойдаланиб, яхши ўқиниш лозим" деб ўқитишарди. Бу эса мени фанларни чуқур ўзлаштиришга, жамоат ишларида фаол иштирок этишга ундади. Жумладан, 2006 йилдан буён "Рус филологияси ва мультимедия маркази" томонидан халқаро миқёсда ўтказилаётган мактаб ўқувчиларининг рус тили фани бўйича очик сиртқи олимпиадасида фаол иштирок этиб келяпман.

Шеърятга меҳрим ўзгача. Ватан, она, дўстлик маззуларини тараннум қилишга интиламан. «Янги авлод» болалар ижодиёти фестивали минглаб болалар катори менга ҳам ўз иқтидоримни рўёбга чиқаришимда кўмакд бўлди. Уч қарра ушбу фестивалнинг вилоят босқичида голиб чиқишга муваффақ бўлдим. 2007 йилда эса «Нафосат» ёш қаламкашлар республика кўрик-танловида фахрли ўринни эгалладим. Шу йили яна «Ватан, дўстлик ва халқпарварлик» шiori остидаги республика «Камалак» болалар анжуманида

фаол иштирок этдим. «Иқтидорларимда ота-онам "Биз ўқиган пайтларда бундай шароитлар йўқ эди, бу кунларнинг қадрига етишиш керак, шароитлардан оқилона фойдаланиб, яхши ўқиниш лозим" деб ўқитишарди. Бу эса мени фанларни чуқур ўзлаштиришга, жамоат ишларида фаол иштирок этишга ундади. Жумладан, 2006 йилдан буён "Рус филологияси ва мультимедия маркази" томонидан халқаро миқёсда ўтказилаётган мактаб ўқувчиларининг рус тили фани бўйича очик сиртқи олимпиадасида фаол иштирок этиб келяпман.

Мен шундай толеи баланд мамлакатнинг бахтли фарзанди эканлигимдан фахрланаман. Бугунги кунда биз ёшларга кўрсатилаётган имкониятларни ҳар қанча эътироф қилсак шунча кам. Камтарона меҳнатим юксак бадивалнинг вилоят босқичида голиб чиқишга муваффақ бўлдим. 2007 йилда эса «Нафосат» ёш қаламкашлар республика кўрик-танловида фахрли ўринни эгалладим. Шу йили яна «Ватан, дўстлик ва халқпарварлик» шiori остидаги республика «Камалак» болалар анжуманида



ва сиёсий жараёнларда фаол иштирок этиш учун ЎзМТДП сафига қўшилдим. Чунки Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси миллий ва маънавий қадриятларимизни асраб-авайлаш билан бирга замонавий тараққиётга хизмат қилувчи баркамол авлод тарбиясига ҳам алоҳида эътибор қаратади. Бугун Ватанимиз миллий манфаатларига содиқ, истиқлол ғояларига садоқатли янги авлод нафаси ҳар бир жаҳлда сезилиб турибди. Ана шундай тенгдошларимиз орасида ҳар биримизнинг ўз сўзимиз, овозимиз, ўрнимиз бўлиши лозимлигини чуқур ҳис қилиб, юрт равнақиға ҳисса қўиши фарзандлик бурчимиз эканини унутмаслигимиз зарур.

Мустақилликнинг ўтган йилгизма бир йили мобайнида юртимизда ҳар томонлама етуқ қадрлар захираси шаклланиб, улар жамият ҳаётининг барча жабҳаларида самарали фаолият кўрсатмоқда. Бу йўналишда қатор қонуни ва давлат дастурлари қабул қилинди. Хусусан, "Қаорлар тайёрлаш миллий Дастури"нинг амалга оширилганлиги мамлакатимизда ёшларга кўрсатилаётган эътиборнинг яна бир тасдиғидир.

Ушбу дастур, шунингдек, келажак авлод онгига демократик қадриятларни мустаҳкамлаш, ҳар томонлама етуқ ва эркин фикрга эга ёшларни шакллантиришга қаратилгани билан аҳамиятлидир. Бу борада Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси томонидан ташаббускор, масъулиятни ҳис қиладиган, замонавий дунёқараш ва билимга эга кадрлар захирасини шакллантириш юзасидан қатор ишлар амалга оширилмоқда. Саъй-ҳаракатлар натижасида партия сафи интеллектуал салоҳиятли, етакчи ва ватанпарвар ёшлар билан бойиб бормоқда.

Таъкидлаш жоизки, партия сафини изланувчан, ташаббускор, ғоя ва мақсадларига ҳайрихоҳ фуқаролар ҳисобига доимо кенгайтириб бориш ЎзМТДПнинг устувор вазифалари сирасига киради. Халқ фаровонлиги, юрт тинчлиги ва ободлиги йўлида амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотлар жараёнида фаол иштирок этиш-

● ДЕПУТАТ МИНБАРИ

Замонавий билим ва дунёқарашга эга

ЁШЛАРНИ ТАРБИЯЛАШГА КЎМАКЛАШИШ ПАРТИЯНИНГ УСТУВОР ВАЗИФАЛАРИДАН БИРИДИР

га интилаётган ЎзМТДП аъзоси Азамат Қазақов ана шундай ёшлардан бири саналади. Азамат Ўзбекистон Миллий Университетининг сиёсатшунослик факультетини 2001 йилда тамомлаганидан сўнг ўзи туғилиб ўсган Фаллаорол туманидаги нафис санаъат мактабида ўқитувчилик қила бошлади. Тиришқоқлиги, ташаббускор ва етакчилиги билан тенгдошларидан ажралиб турадиган Азамат 2004 йилда халқ депутатлари Жиззах вилоят Кенгаши депутатлигига сайланди. 2008 йилдан буён ЎзМТДП Фаллаорол туман Кенгаши Ижроия Қўмитаси раиси лавозимида ишлаб келмоқда.

— Ёш депутатларимиздан бири бўлган А.Қазақов масъулиятни ҳис қиладиган мутахассис ва талабчан раҳбар сифатида танилди, — дейди ЎзМТДП Жиззах вилоят Кенгаши Ижроия Қўмитаси девон раҳбари С.Расулов. — У партия дастурий мақсад ва вазифаларининг жойлардаги ижросини таъминлаш, электрорат манфаатларини ҳимоя қилиш борасида қатор тадбирларни амалга оширмоқда. Саъй-ҳаракатлари натижасида жамоатчилик унга ишонч билдириб, 2009 йилда бўлиб ўтган навбатдаги сайловларда халқ депутатлари Фаллаорол туман Кенгаши депутатлигига сайлади. А.Қазақов ўзига билдирилган ишонч ва зиммасидаги вазифаларни сидқи-

дилдан бажариб келмоқда. Азамат ЎзМТДП дастури, сайловолди Платформасида белгиланган мақсад ва вазифалардан келиб чиққан ҳолда амалдаги қонунлар мазмун-моҳиятини аҳоли ўртасида кенг тарғиб қилиш ҳамда давлат дастурларини жойлардаги ижросини таъминлаш борасида самарали фаолият юритмоқда. Хусусан, туман ижтимоий-иқтисодий соҳаси ривожига ўз ҳиссасини қўиш мақсадида "Бахт" маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудда янги қурилаётган паррандачилик корхонаси билан боғлиқ айрим муаммолар юзасидан мутасадди ташкилотларга депутатлик сўрови билан мурожаат қилди. Натижада муаммолар ҳал этилиб, 10 нафардан зиёд маҳаллий ёш ишга жойлаштирилди. Бундан ташқари, ҳудуддаги қорғоз ишлаб чиқарувчи корхонанинг банкдан кредит олиш масаласи юзасидан депутатлик назорати ўтказиб, муаммо ижорасини таъминлаш бўлиб, Шунингдек, халқ депутатлари Фаллаорол туман Кенгашининг ёшлар сиёсати ва соғлом авлодни тарбиялаш масалалари доимий комиссияси аъзоси сифатида ҳудуддаги 7-сонли мактабгача таълим муассасасининг тегишли назорат ташкилотлари томонидан ёпилиши тўғрисидаги қарори бўйича сайловчилар мурожаати ўрганилиб, масаланинг ечими то-

пилди. Қолаверса, 2011 йил маҳаллий бюджетни шакллантиришда мактабгача таълим базасини ривожлантириш борасида мутасадди ташкилотларга ўз тақлифларини киритди. А.Қазақов "Дўстлик" МФЙ ҳудудда депутатлик хонасини ташкил этиб, ҳафтанинг ҳар шанба кунлари сайловчилар мурожаатлари билан танишади.

Партия Фаллаорол туман Кенгаши ва бевосита А.Қазақов ташаббуси билан ёшларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, миллий қадрият, аъёна ва урф-одатларимизга ҳурмат туйғусини шакллантиришга кўмаклашиш мақсадида нафақат туман, балки вилоят ва республика миқёсида тадбир, кўрик-танлов ва фестиваллар ўтказиб келинмоқда. Жумладан, ўтган йили республика миқёсида ташкил этилган "Миллий халқ ўйинлари" фестивалида ёшларга миллий урф-одатлар ва ҳар бир минтақага хос аъёналаримиз билан яқиндан танишиш, ўрганиш ҳамда тажриба алмашиш имконини яратилди.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, Азамат каби ёшларнинг фидойилиги ва ташаббускорлиги уларни янги марралар сари етакламоқда.

Эргаш ХҲЖАЕВ, "Milliy tiklanish" мухбири

Она миллат тарбиячиси

ШУ САБАБ КИЗЛАР ТАЪЛИМ-ТАРБИЯСИГА БЕФАРҚ ҚАРАМАЙЛИК

Ёшлар юрт келажиги, авлодлар давомчиси, халқнинг бугуни ва эртасидир. Шу боис истиқлолнинг илк кунларидан мамлакатимизда ёшлар масаласи давлат сиёсати даражасига кўтарилиб соҳага оид 100 дан зиёд қонун ҳужжатлари қабул қилинди. Қонун, Фармон ва қарорларнинг ўз вақтида қабул қилингани энг аввало, мамлакатимизда ёшларга бўлган эътибордан дарак беради. Бугунги кунда миллий-маданий анъаналарни авлоддан авлодга мерос қолдириш, авлодлар ўртасидаги маънавий алоқаларни таъминлаш, ёшлар ташаббусларини қўллаб-қувватлаш ҳаётимизнинг ажралмас қисмига айланди.

Жорий йилнинг "Мустаҳкам оила йили" деб номланганида ҳам ёшларга бўлган ғамхўрлик ўз ифодасини топган. Инчунун, ҳар қандай жамиятнинг истиқболи, тақдири ва тараққиёти ёш авлоднинг қандай тарбия қўриганига қараб белгиланади. Бу эса, албатта, миллат тарбиячиси деган юксак эътирофга сазовор бўлган оналар зиммасига алоҳида масъулият юклайди. Она маънан ва жисмонан соғлом, етук билимдон ва зукко бўлсагина чин маънода оиланинг чароғи бўлиши мумкин. Оила нечоғли мустаҳкам, тинч ва барқарор бўлса, унда тарбияланган воғга етаётган фарзандлар ҳам дунёқароши кенг, мустақил фикрга эга соғлом ва баркамол инсонлар бўлиб етишади.

Оилада шундай муҳитни қарор топтириш учун бўлсаюки она — кизларимиз билимли, бирор касб-хунарнинг эгаси бўлиши шарт. Бу борада юртимизда хотин-кизларга етарли даражада шарт-шароитлар яратилган. Сўнгги йилларда кизларни эрта турмушга узатмаслик борисида ҳам кенг қўллаб-қўллаш тарғиб ва ташвиқот ишлари амалга оширилмоқда. Бироқ бу масалага бефарқ қарайдиган ота-оналар қизини 15-16 ёшдан узаётган, келин тушараётганлар озми-кўпми учраб турибди. Бу ҳақда давлатимиз раҳбари шу йил 15 июнь кунги халқ депутатлари Сурхондарё вилоят Кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида сузлаган нутқида ҳам тўхталиб, жумладан, шундай таъкидлайди: "...Айрим ота-оналар ўртасида ўз фарзандлари, айниқса, киз болаларга нисбатан мактабни битиргандан кейин ўқиш шарт эмас, турмуш қуришни ўйлаш керак, деган эскича қарашлар ҳали-бери учраб туришини афсус билан айтиб ўтишга тўғри келади. Ваҳоланки, коллежда ўқиб, аниқ касб хунар эгаси бўлиш, биринчи навбатда, киз бола учун зарур. Қўлида хунари бор киз бола эртага бировга қарам бўлиб қолмайди, ўз меҳнати, билим ва истеъдоди билан оиласини тебратишга, фарзандларини баркамол инсон этиб тарбиялашга ҳисса қўшади. Бу ўз навбатида, ёш оилани моддий ва маънавий жиҳатдан мустаҳкамлашда қандай муҳим аҳамиятга эга эканини кимгадир исботлаб беришини ҳоҳайти йўқ.

Бу ҳақиқатни биз — ота-оналар чуқур тушуниб, англаб, фарзандларимизнинг билим олиши,

замонавий касб-хунар эгаллаши учун ҳамма шароитни яратиб беришимиз керак. Бу бизнинг болаларимиз олдидаги муқаддас бурчимиздир. Акс ҳолда, уларнинг келажигига хиёнат қилган бўламиз".

Раҳима ТўРАҚУЛОВА, Республика "Оила" илмий амалий марказининг илмий ходими:

— Соғлом ва мустаҳкам оилани барпо этиш, оила кадр-қиммати, муқаддаслигини сақлаш, соғлом, баркамол авлодни тарбиялаш ҳамда оилавий муносабатлар, оила одоби, фарзанд тарбияси каби масалаларда Шарқнинг буюк алломалари, олим ва ёзувчилари дурдона фикр ва мулоҳазаларини баён этганлар. Бу фикрлар бугун ҳам ўз кучини йўқотган эмас. Психологларнинг аниқлашича, 21 ёшда бош мия деярли тўлиқ ривожланиб бўлади, инсоннинг жисмоний ва психологик ҳолати барқарорлашади, яъни шу ёшдан кизлар оналикка тайёр бўлишади. 21-27 ёшли аёлнинг она бўлиши ҳар томонлама қўллаб-қувватланади. Тиббий жиҳатдан қарайдиган бўлса, организмнинг физиологик жиҳатдан тўлиқ ривожланиши (ички органлар, марказий нерв система фаолияти ва гормон ҳолатининг барқарорланиши) 20-21 ёшларга тўғри келар экан.

Нисбатан ёш 16-18 ёшларда она бўлиш бир қатор муаммоларни келтириб чиқариши мумкин. Буларда ҳомилдорлик ва туғруқ жисмонан оғирроқ кечишидан ташқари, маънан ва жисмоний чарқок, кечалари болага туриб қарашга куч-қувватининг етишмаслиги ҳамда ўз фарзандига психологик жиҳатдан мослаша олмаслиқ ҳоллари кузатилади. Тўғри ўспирилар организмни туғруқдан сўнг қайта тикланиши, чақалоқни овқатлантириш, йўрғаклаш, тоза ҳавода қайлантириш бўйича берган тавсияларни аниқ бажара олиши ҳам мумкин. Лекин кўп ҳолларда бола нима учун йиғлаётганини, нима хоҳлаётганини ҳамма ҳам англамайди. Бироқ, она боласининг истагини дилдан ҳис этиши керак. Аммо, 15-17 ёшдаги киз она сифатида бундай ҳисдан ҳоли бўлади. Қолаверса, эрта оналикнинг салбий таъсири оилавий муносабатларда ҳам намоён бўлади.

Ушбу фикрларимизни лицей ҳамда олийгоҳ талаба кизларнинг 62 нафар оналари ўртаси-

Муяссар Аҳмедова, ўқитувчи:

— Ёшларимиз билим олишга, ўқиб-изланишга чанқок, ўз олдларига улкан мақсадлар қўйишган. Улар билан ҳар қанча фахрлансак арзийди. Лекин айрим ҳолларда кизларимизни коллежда ўқиётган пайтида ёки энди институт талабаси бўлиб ўқийман, деб турганида турмушга узатиб келинлик, аёллик ва оналик вазифаларини юклаб қўйишмоқда. Ахир бу ҳол 17-18 ёшда узатилган қизга оғирлик қилади. Ўз-ўзидан эрта турмуш қурган қизда ўқишга бўлган иштиёқ сўниб дарс иккинчи-учинчи даражали вазифа бўлиб қолади. Бундай шароитда айрим кизлар ўқишдан воз кечишига ҳам тўғри келади. Табиийки, шу тахлитда ўқиган талаба келажакда ўз соҳасининг етук мутахассиси бўлолмайди. Шу сабаб ота-оналаримиз фарзандларини катта ҳаётга аввало билим бериб, хунар ўргатиб тайёрлашлари зарур, деб ўйлайман.

Анора ЭШНАЗАРОВА, Тошкент иқтисодий университетига талабаси:

— Бугун ёшларга берилаётган имкониятлар бизга қанот бўлмоқда. Ўзим ва тенқурларимнинг ютуқларидан кўнглимда фахр ва ифтихор туйғусини туйяман. Бундан-да катта муваффақиятларга эришишга илтиломан. Баъзан ҳали 15-17 ёшга тўлган кизларнинг турмуш ва оила ташвиши билан бўлиб ташқи оламдан узилиб қолганини улар билим олиш ҳақидаги уй-хаёллардан йироқ эканини ўйлаб қоламан. Ота-онам менинг келажгим ҳақида қайғуришни кўриб, уларнинг ишончини оқлашим керак, деган масъулиятни ҳис этиб яшайман.

Дарҳақиқат суҳбатдошларимизнинг фикр-мулоҳазаларидан кўриниб турибдики, айрим оналар қиз бола организмиде ривожланиш даври 20-21 ёшга чаманга етишишни билмасликлари, эрта турмушга чиққан кизлар организмни ривожланишдан тўхтаб қолиши натижасида соғлиги билан боғлиқ бир қатор асоратлар, муаммолар юзага келишини яхши англаб етишмайди.

Ёшларни никоҳга, оилавий ҳаётга тайёрлаш, энг аввало, ота-онанинг бурчидир. Бу бурч ортда эса халқ, юрт тақдири мужассам эканлигини унутмаслигимиз лозим.

Дилфуза РЎЗИЕВА, "Milliy tiklanish" мухбири

МАЪНАВИЯТ

2012 йил — МУСТАҲКАМ ОИЛА ЙИЛИ



Тоҳир ИСТАТОВ (Уш) олган сурат.

ОИЛАВИЙ ТАДБИРКОРЛИК

Хунарманд оилалар кўпаймоқда

Ишбилармонлик, тадбиркорлик халқимизга хос фазилат. Ота-боболаримиз азал-азалдан миллий хунармандчилик, тадбиркорлик ортидан рўзгор тебратиб, ўз оиласини боққан, эл-юртга наф келтирган. Ҳалол меҳнат тўғрисида хонадонларга кут-баракат ёғиб, оилалар мустаҳкам бўлиб фаровон турмуш кечирган.

хонадонлар фаровонлигини таъминлаш баробарида иқтисодий ҳаётимизни юксалтираётгани билан аҳамиятлидир. Гулистон шаҳрининг Турғун Аҳмедов номли маҳалласида яшовчи Абдуллаевлар хонадонини боқиб келганларимиз билан суҳбат қилдик. Уларнинг айтишича, оила миллий хунармандчиликнинг нозик турларидан саналган чеварчилик анъанасини давом эттираётган туртинчи авлод вакилидир. Хонадон соҳибидир Обид ҳожи Абдуллаев ота-боболаридан мерос бўлиб келётган бу хунарни беш нафар фарзандига қунт билан ўргатган. Улар эса ўз навбатида фарзандларини ортидан эргаштириб беришган. Бугун Абдуллаевлар оиласида бекор юрган бирор кишини ҳам учратмайсиз. Ҳамма ишли, хунарли. Ҳаттоки оилага тушган келинлар ҳам чеварликни қисқа фурсатда эгаллаб, моҳир хунармандга айланмоқда. Хонадонда кичик чеч ташкил этилиб, 6 та иш ўрни яратилди. Шу билан бир-бирига "устоз-шогирд" анъанаси асосида 10 нафардан зиёд хотин-қиз ушбу оила аъзоларидан хунармандчилик сир-асрорларини пухта эгаллашмоқда. Оилавий чеварлар томонидан тайёрланаётган бир-биридан бежирим, кўркам ва беэҳтиш тўй либослари, кийим-кечакларнинг харидори кўп.

"Навбахор" маҳалласидаги Абдуллаевлар оиласи ҳам оилавий хунармандчиликни йўлга қўйиб, нафақат шаҳарда балки вилоятда обрў-эътибор қозонди. Хонадон соҳибаси Раъно Абдуллаева шаҳарда танилган қўлигул тикувчи аёллардан саналади. Унинг қизлари Дилфуза ва Дилноза ёшлигиданоқ онасидан тикиш-бичиш сирларини қунт билан ўрганиб, таниқли чевар бўлиб етишдилар. Кейинчалик ўзлари ҳам янги-янги, бежирим либослар тайёрлай бошлашди. Вақт ўтиб, улар билганларини тенгдошларига ўргатиб, ҳозирда устозлик қилмоқдалар. "Сайқал" маҳалласида яшовчи Муқаддас Ортиқбоева ҳам оилавий бизнесга қўл уриб кам бўлмади. Муқаддас опа ва унинг икки нафар келини чеварлик билан шуғулланади. Оилавий чеварлар томонидан тайёрланаётган миллий кийим-кечаклар хонадонларга ўзгача фойда бағишляпти.

Шу ўринда савол туғилади: тушунтирувчи ким, қандай шахс, музей ходимими ёки нафси ва манфаатини миллат шаънидан устун қўйдиган, фаҳм-фаросатдан мосуво кимсамми?! Соҳибқирон Амир Темури билан хунармандчиликнинг тарихи ва аҳамияти ҳақидаги кўп сонли асарлардан қайтганда 1404 йил, 69 ёшда бўлган, Сароймулкхоним эса 65 ёшли нуруний онахон бўлган. Шундай улуг зотларнинг шаънига бундай беҳад чўлқакчи тўқиш ва тарқатиш инсофдан эмас-да. Миллатимиз гурури, аждодларимиз шаъни қаёқда қолди? Аждодларимиз шаънига соя ташлайдиган бу каби тухматларга чек қўйиш пайти келди. Бугун ҳар биримиз, хусусан, гид-экскурсоводларимиз ҳам юртимиз равнақи, миллатимиз шаъни, аждодларимиз меросини тўғри талқин қилиш учун масъул эканлигимизни унутмаслигимиз зарур.

Анорбой НОРҚУЛОВ, "Milliy tiklanish" мухбири

МУЛОҲАЗА

Соҳибқирон Амир Темури салтанатида аёлларга бўлган ишонч ва ҳурмат ниҳоятда юксак бўлган. Бунга Испания қироли Генрих IIIнинг Самарқанд ҳукмдори Амир Темури хузурига юборган элчиси Руи Гонсалес де Клавионинг Амир Темури саройидаги аёллар ҳаётига оид хатиралари ҳам яққол исботлайди. "Амир Темурининг Самарқанддаги саройига саёҳат" китобида ёзилишича, 1402 йил 8 сентябрь кунини "Дилқушо" боғида Амир Темури ёнида Бибиҳоним бошлиқ барча хотинлар юзларига парда тортиб, уни тантана билан кутиб олганлиги баён этилган.

Бибиҳоним (Сароймулкхоним 1341 йил туғилган) Чигатой улуси хонларидан бўлган Қозонхоннинг қизи. 1370 йилда Соҳибқирон Амир Темури Бибиҳонимни ўз никоҳига олади. Сароймулкхоним ҳарамдаги барча маликалардан ўзининг гўзаллиги, диди, фаҳм-фаросати, зеҳни ҳамда зукко-билимдонлиги сабаб Каттахоним ёхуд Бибиҳоним, деган унвонга муряссар бўлади. У мамлакатнинг сиёсий-иқтисодий, иқтисодий ва маданий ҳаётини яхши ҳаётбардор бўлган. Бибиҳоним маърифатли инсон сифатида толиби илмларга ҳомилийлик қилган. Амир Темури унинг оқилона маслаҳатларига эҳтиёж сезган. Шу боис, Бибиҳоним ҳақидаги асосанлари кўп бор эшитган-

миз. Бироқ Самарқанд меъморий қадриятларига бағишлаб ёзилган китоблар, жумладан, Г.А.Пугаченкованинг "Темурининг меъморий мероси" (Тошкент, 1996 й.) деб номланган китобининг 45-бетиде дилни хира қиладиган тўқимани ўқиб, кайфиятим бузилди. Тўғри, кўп афсона, нақл, ла-тифа ва ривоятлар инсон тафаккурининг мислсиз парвози ёки хаёлий мўъжизалардан пайдо бўлади. Шу боис, айниқса, меъморий обидаларни зиёрат қилаётганимизда айрим гид-экскурсоводлар томонидан ай-тиладиغان нотўғри ривоятлар-ни эшитиб, наҳотки, деб ёқа ушлайсиз. Аламга китоб ва-рақлаб, ҳақиқатни билишга ҳаракат қиласиз.

Афсона

ҲАМ ҲАҚИҚАТГА ЯҚИН БЎЛСИН

Пойга, улоқ-кўпқари, чим устида хоккей, чавгон каби ўйин турлари азал-азалдан миллий қадриятларимиз ҳисобланган. Айниқса, улоқ-кўпқари халқимиз ифтихорига айланган. Уда совриндор бўлиш ҳар бир иштирокчилнинг орзу-истагидир.

СУЛОЛА

Бахмалнинг моҳир чавандози

Қашқа самани бир имо билан шамолдек елиб, рақибларини ортда қолдириб кетди. Ниҳоятда чопқир тулпорини унча-мунча от қувиб етолмасди. Бу гал ҳам аъна бузилмади. Чавандоз маррага одатдагидек биринчи бўлиб етиб келди.

Бир мусобақада Холбўта полвон шопмўйловли даванир чавандозга қарама-қарши келди. Йигитнинг бўйи икки метрдан зиёд, қўл панжалари катта ва қоматдор бўлиб, майдондаги улукни осонликча қўлга кири-тиб, уни эгар қошига ўрнатаркан, улоқ оёғини чилвир ип билан боғламоқчи бўлади. Холбўта полвон бунинг ғирром эканлигини билган ҳолда кутилмаганда рақибини елкаси билан қаттиқ туртиб юборди. Шунда рақибнинг йўргаси мувозанатни сақлай олмади. Улоқ шопмўйлов йигитнинг қўлидан чиқиб кетди. Отини бир ниқтаган эди, у чўққалаб улукни олишга имкон яратди. Холбўта бу сафар ҳам бош совринни кўлга киритди. Дарҳақиқат, бахмаллик Хол-

бўта Холтемиров мусобақаларда ҳалоллиги билан ҳам эътибор қозонди. Эл олқишига сазовор бўлган Холбўта полвон яримча от қувиб етолмасди. Бу гал ҳам аъна бузилмади. Чавандоз маррага одатдагидек биринчи бўлиб етиб келди. Бир мусобақада Холбўта полвон шопмўйловли даванир чавандозга қарама-қарши келди. Йигитнинг бўйи икки метрдан зиёд, қўл панжалари катта ва қоматдор бўлиб, майдондаги улукни осонликча қўлга кири-тиб, уни эгар қошига ўрнатаркан, улоқ оёғини чилвир ип билан боғламоқчи бўлади. Холбўта полвон бунинг ғирром эканлигини билган ҳолда кутилмаганда рақибини елкаси билан қаттиқ туртиб юборди. Шунда рақибнинг йўргаси мувозанатни сақлай олмади. Улоқ шопмўйлов йигитнинг қўлидан чиқиб кетди. Отини бир ниқтаган эди, у чўққалаб улукни олишга имкон яратди. Холбўта бу сафар ҳам бош совринни кўлга киритди. Дарҳақиқат, бахмаллик Хол-

Абдулла САИДОВ, Жиззах вилояти

Ака-ука Холбўта, Эргаш ва Ўролбой Холтемировлар чавандоз полвонлар сулоласидан. Уларнинг тўнғичи Холбўта ёшлигиданоқ отларга меҳр қўйиб, уларни парваришлагга аҳамият берди. Бора-бора зийрак ва ақлли жониворларга бўлган тасаввури бойиб, ҳаёт тарзи улар билан боғлиниб қолди.

Холбўта Холтемиров ёшлигиданоқ улоқ-кўпқарига қатнашиб, элга танилди. Бахмалдаги бир улоқ-кўпқарида ғирром одам йигилганди. Узоқ-яқиндан келувчи чавандозларнинг охири кўринмасди. Очқ майдонда отлар тўдаси қатталашиб, кўпайиб борар, уларнинг кишнаши ва дупур-дупури бир сония бўлсин тинмасди. Ниҳоят баковул солимини эълон қилди, улоқ ташландию Холбўта чавандоз эпчиллик билан олди пудлик улукни даст кўтариб, эгарга босди.

Мамлакатимизда ёшларнинг интеллектуал салоҳияти ва ижтимоий фаоллигини оширишда таълим тизимини янада яхшилаш зарур...

Ёшлар камолоти

АСОСИЙ МАҚСАДИМИЗДИР



Фарғонадаги мавжуд касб-хунар коллежлари орасида Қўқон педагогика коллежидан ўз ўрни бор. Ҳозирги кунда таълим тизимини янада яхшилаш зарур...

Биёт ва дарсликлар мавжуд. Бундан ташқари, фан ва спорт тўғрисидаги мунтазам ишлаб турибди. Ана шундай имкониятлар натижаси ўлароқ ўқувчиларимиз кўлга киритаётган ютуқлар ҳам салмоқли...

Коллежимизда ёшларнинг чуқур билим олишлари учун яратилган имкониятлар ҳавас қилса арзиғулик, - дейди биз билан суҳбатда директор Н.Усмонова. Барча ўқув хоналари керакли жиҳозлар билан таъминланган...

Ишончимиз комилки, жаҳон илм аҳли тан олган миллий моделимиз асосида таълим-тарбия олаётган бугунги ёшлар буюк аждодларимизга муносиб авлод бўлиб, юртимизнинг шон-шухрати, тараққиётини юксалтиришга ўзларининг муносиб ҳиссасини қўшадилар.

Раҳбарлик ишларидан ортиб, жамоатчилик юмушларида ҳам фаол. Шаҳарда олиб борилган улкан бунёдкорлик ишларида жамоаси билан мунтазам иштирок этади...

Шаҳардаги Яланғоч ота, Қаландархона, Шайхон, Калбек, Ҳормонбоғ, Қаймоқли гузар маҳалла фуқаролар йиғинларида мунтазам учрашув ва тадбирлар ўтказиб туришимиз Худудни ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш ишларида барча маҳалладошларимиз фаол қатнашмоқдалар...

Шу билан бирга коллеж шаҳардаги "Саломатлик маркази", "Камолот" ЁИХ, "Нуроний", "Маҳалла", "Соғлом авлод учун" жағғармалари билан яқин ҳамкорликда иш олиб бормоқда. Қўқон давлат педагогика институти ва Фарғона Давлат Университети профессори-ўқитувчилари билан эса ўзаро илмий-услубий ҳамкорлик йўлга қўйилганлигини ҳам алоҳида таъкидлаш лозим.

Эркин ДОРИПОВ, "Milliy tiklanish" мухбири

ЖАРАЁН

ШУКУҲ

Истиқлолдан нур олган шаҳар

Яқинда Ватанимиз мустақиллигининг 21 йиллик шонли тўйини бутун мамлакатимиз аҳолиси катта шодибёна билан нишонлади. Бу муаззам байрам шу гўзал заминда яшайётган ҳар бир ўзбекистонлик қалбини фахру ифтихорга тўлдирди.

21 йил. Тарих учун ниҳоятда қисқа фурсат. Бироқ мана шу тарихан қисқа вақт мамлакатимиз ҳаётида асрларга татигулик из қолдирди десак муболаға бўлмайди. Бугун қай бир гўшага, қай бир жабҳага, қай бир соҳага назар солмайлик, истиқлолшукӯҳи, мустақиллик саодати, эркинлик нафасини ҳис қиламиз. Мустақиллик сўзи дилимиздан, тилимиздан, юрак-юрагимиздан жой олдики, буни эркин ва обод диёримизнинг кун сайин гуллаб-яшнаётганлигида, юртимиз жамолининг дунёга кўз-кўз қилгудек нурафшонлигида, юртдошларимизнинг тинч ва осуда ҳаёти мисолида яққол қўришимиз мумкин.

Мустақиллик йилларида юртимизнинг ҳар ҳудуди, ҳар бир гўшаси сингари Қизилқум кенгликларидан бунёд этилган Навоий шаҳри ҳам кун сайин кўркамлашиб, ўзгача шукӯҳ касб этмоқда. Самарқанду Бўҳордек икки кўҳна шаҳарлар ораллигида жойлашган бу масканнинг кечаги кун билан бугунги қиёфасини таққослайдиган бўлсақ, қўламини ниҳоятда кенг бунёдкорлик ишларига гувоҳ бўламиз.

Узоққа бормайлик, 2010-2012 йиллар мобайнида шаҳар миқёсда қўплаб янги иншоотлар қурилиб фойдаланишга топширилди. Жумладан, "Матбуот уйи", "Аква парк" аттракцион, "Ёшлар маркази" биноси, "Амфитеатр" мажмуаси, "Умид ниҳоллари — 2012" спорт мусобақаларининг финал босқичи арафасида қурилиб фойдаланишга топширилган "Ёшлар спорт мажмуаси" марказий ўйингоҳи ҳамда мазкур иншоот ёнида жойлашган "Олий спорт маҳорати мактаби", "Олтин сув" сузиш маркази, "Кураш мактаби" ва бошқа қўплаб маданий-مائий иншоотлар бугунги кунда нафақат навоийликларнинг, балки шахримиз меҳмонларининг ҳам сеvimли масканига айланди.

"Мустаҳкам оила йили" Давлат дастурида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида шаҳарнинг 17-кичик даҳасида ёш оилалар учун ўй-жойлар қуриш ишлари жадал давом этмоқда. Айни пайтда барча имкониятлар мавжуд бўлган 2 та кўпқаватли уйлар қурилиб, ёш оилаларни ўз бағрига олди.

Эътиборлиси, барпо этилаётган турар-жойлар шаҳарсозлик архитектура асосида, замонавий ва миллий услубда, сифатли ва маҳобатли таразда қад ростламоқда. — Шаҳар инфратузилмасини янада такомиллаштириш, аҳолига қулай шарт-шароитлар яратиш ишларида ҳам аҳолининг қўлини қўйиб қўрмаймиз.

БАНК ТИЗИМИ

Халқ банкининг Темир йўл филиали халқ хўжалигининг барқарор суръатларда ривожланиб боришига муносиб ҳисса қўшиб келмоқда.

Кредит

РЕСУРСЛАРИНИНГ АЖРАТИЛИШИ ИККИ БАРОБАРГА КўПАЙДИ

Банк бугунги кунда 377 нафар юридик, 2485 нафар жисмоний мижозларига эга бўлиб, Самарқанд шаҳри ва вилояти аҳолисига 3 та минибанк, 4 та шаҳобча, 3 та махсус касса орқали сифатли ва намунали молиявий хизматлар қўрсатади. Шунингдек, банкда "Бунёдкор", "Коммунал хизмат", "Мустаҳкам оила", "Наврўз инфо", "Даромад 2" омонат турлари, "Контакт", "Юнистрим", "Монеграм", "Вестерн Юнион" халқаро пул ўтказмалари, кичик бизнес ва тадбиркорликни, савдо ва сервис хизматини ривожлантириш учун имтиёзли кредитлар, ипотека, истеъмол, таълим кредитларини аҳолига тақдим этиш ишлари амалга оширилляпти.



тиб бериш доимий диққат эътиборимизда, - дейди биз билан суҳбатда шаҳар ҳокими ўринбосари Омон ака Менглиев. — Амалдаги йилнинг шу даврига қадар 9 та мائийш хизмат кўрсатиш шаҳобчалари, 20 дан ортиқ савдо объектлари қурилиб фойдаланишга топширилди.

Шаҳар ҳокимлигининг капитал қурилиш, коммуникациялар, коммунал хўжалик ва ободонлаштириш комплексидан олинган маълумотга кўра аҳолини табиий газ ва тоза ичимлик суви билан мунтазам равишда таъминлаш борасида бир қатор амалий ишлар олиб борилмоқда. Жумладан вилоят "Сувоқаса" ишлаб чиқариш бошқармаси маблағлари ҳисобига шаҳарнинг вокзал ҳудудида жойлашган "Гулистон-3" массивида, аҳолининг ўз маблағлари ҳисобига "Хончарбоғ" МФЙдаги "Маърифат" кўчаси аҳолиси учун ичимлик суви тармоқлари ўрнатилди. Шунингдек жорий йилда "Истиқлол" МФЙга қарашли "Гулистон-3" кўрғонида аҳоли ва ҳомиёлик маблағлари ҳисобидан узунлиги 550 метр ўрта босимли, узунлиги 450 метр паст босимли, жами узунлиги 1000 метр табиий газ тармоқлари ҳамда 1 та қана РДБК-1/25 маркали газ тақсимлаш қурилмалари қурилиб фойдаланишга топширилди.

"Умид ниҳоллари — 2012" спорт мусобақаларини финал босқичининг Навоий шаҳрида ўтказилиши шаҳар қиёфасини янада кўркамлашувига муҳим аҳамият касб этди. Мазкур спорт байрами арафасида шаҳарнинг "Умид" кўрғони, Таробий, Меъмолар, Ғалаба шох кўчалари гулгарак бурканган обод манзилларга айлантирилди.

Маълумки, юртимизда амалга оширилаётган ислохотлар замирида энг аввало инсон омилни, унинг маънавияти устуворлик касб этди. Бугунги кунда шаҳарда барқарор иқтисодий ўсиш ҳажмининг сезиларли даражада ошганлиги аҳолининг турмуш фаровонлигини юксалишида яққол кўзга ташланмоқда. Рақамларга мурожаат этадиган бўлсақ, бугунги кунда саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 105,6

истеъмол товарлари ишлаб чиқариш 113,4, кишлоқ хўжалик маҳсулотлари 111,2, инвестициялар ҳажми 112,1, чакана савдо айланмаси 117,9 фоизга ўсганлиги ҳам юқоридаги фикримизга асос бўлади.

Таъкидлаш жоизки, иқтисодиётда эришилаётган тарқибий ўзгаришларда бевосита чет эл инвестициясини жалб этиш кўзланган натижаси бермоқда. Жорий йилда барча молиявий манбалар ҳисобидан техник, технологик қайта жиҳозлаш ва янги қувватларни ташкил этиш бўйича йўналтирилган жами инвестициялар ҳажми 83,2 млрд сўмни ташкил этди. Бу эса ўтган йилнинг мусо даврига нисбатан 12,1 фоиз ўсишга эришилганлигидан далолатдир.

Шаҳарда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш мақсадида ажратилган кредитлар ҳажми 4161,9 миллион сўмни ташкил этиб, бу маблағлар ҳисобига 194 та янги иш ўринлари яратилди. Маълумки, Навоий шаҳри Ўзбекистон саноатининг йирик ва етакчи ҳудудлари сирасига кириди. Айни пайтда шаҳарда 362 та саноат корхонаси фаолият қилиб келмоқда. Улардан 10 таси йирик ишлаб чиқариш объектлари, 352 таси эса кичик бизнес субъектларидир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 15 декабрдаги "2011-2015 йилларда Ўзбекистон Республикасида саноатни ривожлантиришнинг устувор йўналишлари тўғрисида"ги Қарори ҳамда 2011 йил 29 июлдаги "2011-2013 йилларда саноат кооперацияси асосида тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштиришни янада чуқурлаштириш дастури тўғрисида"ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида шаҳар ҳудудидаги етти та корхонада 48 та лойиҳа бўйича маҳаллийлаштирилган маҳсулотлар ишлаб чиқарилмоқда. Жумладан, Навоий кон металлургия комбинати давлат корхонасида 31, "Қизилқумцемент" ОАЖ да 3 та, "Навоийазот" ОАЖ да 10, "Химреактив" МЧЖ да 1 ва "Кимё сервис Навоий" МЧЖ да 1 та маҳаллийлашти-

рилган лойиҳалар бўйича иш олиб борилмоқда.

Жорий йилда шаҳарда яна қўллаб янги корхоналар ўз фаолиятини бошлаганлигини эътибор қилиш жоиз. Юртимиз истиқлолининг 21 йиллик шодибёнаси арафасида "Навоийазот" ОАЖ тарқибда лойиҳа қиймати 21,6 миллион АҚШ долларлик техник кремний ишлаб чиқариш заводи, "Навоий техно-планет" МЧЖнинг сервис мажмуаси, нейтрон толасини қайта ишлашга ихтисослаштирилган "Элмурод Ўлмас" ишлаб чиқариш фирмаси шулар жумласидандир. Яна шуни таъкидлаш жоизки, яқин фурсатда "Навоийазот" ОАЖда лойиҳа қиймати 1340,0 АҚШ долларлик аммиак ва корбамид ишлаб чиқариш йўналишидаги ишлар якунланари. Мазкур лойиҳа "Ўзимёсанот" ДАК ҳамда Бирлашган Араб Амирлигининг соҳага оид компанияси ҳамкорлигида амалиётга татбиқ этилади. Шу қулларда мазкур лойиҳа тақдирини ўтказиш учун таъйинланган ишлари олиб борилмоқда.

Буларнинг барчаси шаҳар аҳолисининг турмуш фаровонлигини янада яхшилаш йўлида олиб борилаётган саъй-ҳаракатлардир.

Шаҳарда тозалик ва ободонлаштириш ишлари ҳам эътирофга молик. Худудда 30 та МФЙ фаолият юритилади. Мазкур ўзини-ўзи бошқариш тизими ҳодимлари маҳаллаларни ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишларида бош-қош. Маҳалла фаолларининг саъй-ҳаракатлари боис аҳоли истиқомат қиладиган кўч қаватли уйлар атрофлари доимий равишда тозаланиб, дарахтар, гуллар мунтазам парваришланмоқда. Шу боис шаҳар кўчаларини айланар экансиз, қалбингизда мамнунлик ва шу юрт равнақини шукроналик туйғуларига кечади. Бу муъжаз ва муаззам дёрёга бир бора ташриф буюрган инсон яна қайтиб келишни дилига жойлайди. Унинг кенг ва равон йўллари, обод ва озод манзиллари, гулу гулзорга бурканган кўчалари беихтиёр сизни ўзига қорлайверди.

Ўралой ТУРДИЕВА, "Milliy tiklanish" мухбири

ОБУНА — 2013

"Матбуот тарқатувчи"

МУШТАРИЛАРГА ҚУЛАЙ ОБУНА ТУРЛАРИНИ ТАҚДИМ ЭТДИ

Миллий матбуот марказида "Матбуот тарқатувчи" акциядорлик компаниясининг "Босма оммавий ахборот воситаларини тарқатиш тизимини янада такомиллаштириш, обуналар нархини пайсаятириш борасида белгиланган устувор вазифалар, хизмат кўрсатиш сифатини янада яхшилаш чоратадбирлари хусусида" матбуот анжумани ташкил қилинди.

бирлар, амалга оширилган ишлар кенг оммага тақдим этилди. Таъкидланганидек, компания тизимидаги корхоналарда вақт-вақтга матбуот нашрларини истеъмолчига тез ва сифатли етказиш ҳамда аҳолига қўшимча хизматлар кўрсатиш сифатини янада такомиллаштиришни таъминлаш ва тизимни ривожлантириш мақсадида "2011-2014 йилларда вақт-вақтга нашрларни тарқатиш тармоғини замонавийлаштириш ва хизматларнинг янги турини жорий этиш Дастури" қабул қилиниб, режалаштирилган ишлар амалга ошириб келинмоқда. Жумладан, жорий йилда "Матбуот" киоскаларининг 404 тасидан 106 донаси капитал таъмирдан чиқарилди. Пойтахтимизга Мустақиллик байрами арафасида янги дизайнли 46 та киоскалар жойлаштирилган бўлса, вилоят марказ ва туманларида 41 та замонавий типдаги темир киоскалар ўрнатилди. Бундан ташқари жорий йил охиригача қўшимча 39 дона замонавий типдаги киоскаларни вилоят ва туман марказларига ўрнатилиши режалаштирилган.

Бугунги муштарий ўз газетасини вақтида ўқиши учун ҳар кун икки мингга яқин почталар ва бир минг икки юздан ортиқ "Матбуот" киоскалари хизмат кўрсатиб келмоқда. Чекка қишлоқ аҳолиси учун газета ва журналларни етказиб бериш учун компания жойлардаги почта алоқаси ташкилотлари билан ҳамкорлик қилмоқда.

2013 йилда аҳоли гавжум, йирик ташкилотлар жойлашган ҳудудларда "Матбуот" киоскалари орқали ҳам вақт-вақт билан нашрларига обуна қилиш

ташкил этилди. Бундан ташқари, муштарийлар яратилган қулайликлардан фойдаланиб, ўзлари ёқтирган нашрларга тез ва қулай шартларда обуна бўлиш имкониятига эга бўлишди. Шунингдек, компаниянинг веб-сайтига кириб бундан даврий нашрларга интернет орқали обуна бўлиш йўлга қўйилди. Қолаверса, ушбу сайт орқали тахрирлар доимий равишда 2013 йил обуна компаниясининг бориши билан он-лайн таразда танишиш, маълумот олиш имконига эга бўлади. Нашрларга обуна ўшатирилиши бўйича тезкор маркетинг натижалари ҳам ҳар 10 кунда компания сайтига жойлаштирилади.

Қолаверса, компания юртимизда пластик карточкалардан кенг миқёсда фойдаланиш йўлга қўйилганини инобатга олиб, обуна тўловларини пластик карточкалари орқали қабул қилишни ташкиллаштириш, мижозларга қулайлик яратиш мақсадида компания шаҳобчаларига терминаллар сони 150 тага кўпайганини маълум қилади.

Миллий матбуот марказида "Ўзбекистон почтаси" ОАЖ ҳам "2013 йилга обуна бошланиши ҳамда матбуот тарқатиш сифатини такомиллаштиришнинг долзарб масалалари" мавзусида матбуот анжуманини ўтказди. Анжуманда барча алоқа бўлиmlари обуна ташкил қилиш ва қабул қилишга тайёрлиги, матбуот нашрларини ўз вақтида белгиланган манзилга етказиб бериш борасида самарали ишлар амалга оширилганлиги алоҳида таъкидланди.

Д.РўЗИЕВА, "Milliy tiklanish" мухбири

ХАЛҚАРО ҲАЁТ

● **БИЗНИНГ ШАРҲ**

Озиқ-овқат таъминоти

ВА ЗАХИРАСИНИ ТАЪМИНЛАШ МАСАЛАСИ САЙЁРАМИЗ БЎЙЛАБ КУЗАТИЛАЁТГАН МОЛИЯВИЙ-ИҚТИСОДИЙ ИНҚИРОЗ, АЙНИҚСА, ЖОРИЙ ЙИЛГИ КУРҒОҚЧИЛИК ДАВРИДА ДОЛЗАРБ АҲАМИЯТ КАСБ ЭТМОҚДА



Жорий йилда БМТ қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат ташкилоти томонидан курғоқчилик оқибатида юзага келаятган очарчиликнинг олдини олиш мақсадида барча кучлар сафарбар этилмоқда. Шу йилнинг 27 августидан 29 сентябргача бўлиб, БМТ ва БМТ вайлларнинг навабатида йиғилишида ҳам айни шу долзарб мавзу кун тартибига кўйилиб, 2007-2008 йиллардаги озиқ-овқат инқирозининг такрорланишига йўл қўйилмаслик лозимлиги алоҳида эътибор қаратилди.

Бу йил АҚШ, Қора денгиз минтақаси, Сахелда об-ҳавонинг куруққелиши, Ҳиндистонда мавсумий ёғингарчиликларнинг камийиши қатор муаммоларни келтириб чиқармоқда. Хусусан, ав-

густ ойда ёғингарчилик миқдори меъридан 15,2 фоиз кам бўлгани ҳам вазиятни мураккаблаштирган. Ҳиндистон ва Таиланд дунёдаги асосий гуруч экспорт қилувчи мамлакатлардан. Кузатувчиларнинг фикрича, ноқулай об-ҳаво шароити жаҳон бозоридagi нарх-навоми ҳам белгиламоқда. Бир ой ичида дон маҳсулотлари 17, қанд-шакар 12 фоизга қимматлашди. Жаҳондаги энг йирик қанд-шакар ишлаб чиқарувчи Бразилияда курғоқчилик оқибатида шакарқамишдан кам ҳосил олинди.

Жаҳон банки президенти Жим Йон Ким қашшоқ мамлакатларда озиқ-овқат маҳсулотлари баҳоси кескин кўтарилиши кўпчилик оилаларнинг турмуш даражасига таъсир ўтказиши, улар, ҳатто, ўз фарзандларини мактабга юбормай қўйишдан хавотирда эканини билдирган. Озиқ-овқат инқирози Фарбий ва Марказий Африкадаги Сахел табиий зонасидаги Буркина-Фасо, Чад, Мали, Мавритания, Нигер, Нигерия, Камерун ва сенегалликлар тақдирини бутунлай ўзгартириб юбориш эҳтимоли юқори, дейишмоқда мутахассислар. Бу

мамлакатларда яшаётган болалар тўйиб овқатланмаслиги натижасида турли касалликларга дучор бўлишяпти. Агар халқаро гуманитар ташкилотлар тез орада ёрдам ҳажмини оширишмаса, болалар ўлими янада ортиши мумкинлиги ҳақида ҳам даъватлар янграмоқда.

Сайёрада яшаётган 7 миллиард аҳолидан тахминан 1 миллиард нафари очлик азобини чекаяпти. Бундай глобал муаммо туфайли ҳар йили 5 ёшгача бўлган 3 миллион нафар бола ҳаётдан бевақт кўз юммоқда. Айнан очлик туфайли ҳар 3,6 сонияда сайёрада аҳолиси 1 нафарга камайиб бораётди. БМТ томонидан 1948 йил қабул қилинган инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясида ҳар бир инсоннинг тўйиб овқатланишини кафолатловчи модда ҳам мавжуд. Шунингдек, жаҳоннинг 22 давлати тўйиб овқатланишини кафолатловчи модда ҳам мавжуд. Шунингдек, жаҳоннинг 22 давлати тўйиб овқатланишини кафолатловчи модда ҳам мавжуд. Шунингдек, жаҳоннинг 22 давлати тўйиб овқатланишини кафолатловчи модда ҳам мавжуд. Шунингдек, жаҳоннинг 22 давлати тўйиб овқатланишини кафолатловчи модда ҳам мавжуд.

Кузатувчиларнинг фикрича, ҳозир Бразилияда озиқ-овқат таъминоти борасида бирмунча ишлар олиб борилаётди. Лотин Америкасидаги бу мамлакатда очарчилик азобини че-

каётганлар учдан бир қисмга камайди. Бундан ташқари 24 миллион аҳоли қашшоқлар рўйхатидан чиқарилди. 2016 йилда Бразилияда ўтказиладиган навабатидаги XXXI ёзги олимпия ўйинларига қадар тўйиб овқатланмайдиган ёшлар сони янада қисқариши айтилмоқда. БМТ 2015 йилга қадар 5 ёшгача бўлган оч болалар сони 170 миллион нафардан 70 миллион нафарга камайтириши ўз олдига мақсад қилиб қўйган. Ҳозир Жанубий Судан, Сомали, Конго, Афғонистон, Кения, Зимбабве ва Яманда 50 миллиондан ортиқ аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш муаммоси мавжуд. Корея халқ демократик республикасида яшаётган 24 миллион аҳолидан тахминан 16 миллион нафари ёрдамга муҳтож. БМТ экспертлари жорий йилда Шидда сўнгги ярим аср ичида илк бор кучли жазирама кузатилди. Об-ҳавонинг куруққелиши оқибатида дон маҳсулотларининг нархи кескин кўтарилиб бормоқда. Биргина июль ойида ушбу мамлакатда маккажўхори баҳоси 33 фоизга қимматлашган. Шунга мувофиқ мамлакат Конгресси 2022 йилгача йилга 36 миллиард галлон — 160 миллиард литрдан ортиқ биоёнилги ишлаб чиқариш режасини тасдиқлаган. Европа Иттифоқи эса 2020 йилга келиб транспорт воситаларининг тахминан 10 фоизини айнан қайта тикланувчи манбааларга ўтказиш ҳақида қарор қабул қилган. ХХР, Индонезия, Ҳиндистон, Таиланд ва бошқа давлатларда ҳам "яшил энергия"дан фойдаланишга зўр берилмоқда. Аслида Хитой бу тажрибани бундан 10 йиллар олдин қўллаган бўлиб, маккажўхорида биоэтанол олиниши оқибатида бу маҳсулотга талаб ошиб борди. Шундан сўнг ҳукумат 2007 йили дондан биоёнилги ишлаб чиқаришни таъқиқлашга мажбур бўлди. Кейинчалик мутахассислар маниок устида иш олиб боришди. Хитойликлар ҳозир ҳам Камбоджа, Лаос, Таиланддан катта миқдорда маниок сотиб олаётди. Олимпия фикрича, маниокдан бутқа, ёрма, ун, музқаймоқ, қоғоз ва чорва озуқаларини тайёрлашда ҳам фойдаланилади. Ҳозир Жанубий-Шарқий Осиё мамлакатларида айни шу маҳсулотни етиштиришга эътибор кучайган.

Кузатувчиларнинг фикрича, ҳозир Бразилияда озиқ-овқат таъминоти борасида бирмунча ишлар олиб борилаётди. Лотин Америкасидаги бу мамлакатда очарчилик азобини че-

каётганлар учдан бир қисмга камайди. Бундан ташқари 24 миллион аҳоли қашшоқлар рўйхатидан чиқарилди. 2016 йилда Бразилияда ўтказиладиган навабатидаги XXXI ёзги олимпия ўйинларига қадар тўйиб овқатланмайдиган ёшлар сони янада қисқариши айтилмоқда. БМТ 2015 йилга қадар 5 ёшгача бўлган оч болалар сони 170 миллион нафардан 70 миллион нафарга камайтириши ўз олдига мақсад қилиб қўйган. Ҳозир Жанубий Судан, Сомали, Конго, Афғонистон, Кения, Зимбабве ва Яманда 50 миллиондан ортиқ аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш муаммоси мавжуд. Корея халқ демократик республикасида яшаётган 24 миллион аҳолидан тахминан 16 миллион нафари ёрдамга муҳтож. БМТ экспертлари жорий йилда Шидда сўнгги ярим аср ичида илк бор кучли жазирама кузатилди. Об-ҳавонинг куруққелиши оқибатида дон маҳсулотларининг нархи кескин кўтарилиб бормоқда. Биргина июль ойида ушбу мамлакатда маккажўхори баҳоси 33 фоизга қимматлашган. Шунга мувофиқ мамлакат Конгресси 2022 йилгача йилга 36 миллиард галлон — 160 миллиард литрдан ортиқ биоёнилги ишлаб чиқариш режасини тасдиқлаган. Европа Иттифоқи эса 2020 йилга келиб транспорт воситаларининг тахминан 10 фоизини айнан қайта тикланувчи манбааларга ўтказиш ҳақида қарор қабул қилган. ХХР, Индонезия, Ҳиндистон, Таиланд ва бошқа давлатларда ҳам "яшил энергия"дан фойдаланишга зўр берилмоқда. Аслида Хитой бу тажрибани бундан 10 йиллар олдин қўллаган бўлиб, маккажўхорида биоэтанол олиниши оқибатида бу маҳсулотга талаб ошиб борди. Шундан сўнг ҳукумат 2007 йили дондан биоёнилги ишлаб чиқаришни таъқиқлашга мажбур бўлди. Кейинчалик мутахассислар маниок устида иш олиб боришди. Хитойликлар ҳозир ҳам Камбоджа, Лаос, Таиланддан катта миқдорда маниок сотиб олаётди. Олимпия фикрича, маниокдан бутқа, ёрма, ун, музқаймоқ, қоғоз ва чорва озуқаларини тайёрлашда ҳам фойдаланилади. Ҳозир Жанубий-Шарқий Осиё мамлакатларида айни шу маҳсулотни етиштиришга эътибор кучайган.

Кузатувчиларнинг фикрича, ҳозир Бразилияда озиқ-овқат таъминоти борасида бирмунча ишлар олиб борилаётди. Лотин Америкасидаги бу мамлакатда очарчилик азобини че-

ДУНЁДАН ДАРАКЛАР

Эпидемия кучаймоқда

Гвинеяда тарқалган вабо эпидемияси оқибатида сўнгги олти ойда саксондан зиёд киши ҳаётдан кўз юмган.

Боз устига Фарбий Африкадаги ушбу мамлакатда ҳозир хавфли юқумли касаллик билан оғриган беморлар икки минг кишидан ошган. Тарқатилган хабарларга қараганда, оғат вируси илк марта 2012 йилнинг февралда аниқланган. Кузатувчилар фикрича, вабо асосан ичимлик сувининг ифлосланиши ва канализация тизимининг бузилиши оқибатида келиб чиққан.



Қоғоз пакетларда савдо қилинсин

Италияда пластик пакетлардан фойдаланиш таъқиқлаб қўйилди.

Янги қарорга кўра, энди Италиядаги супермаркет ва дўконларда пластик пакетлар ўрнига матодан тайёрланган ёки қоғоз пакетлар сотилади. Мутахассисларнинг сўзларига қараганда, пластик пакетлар инсон саломатлиги ҳамда экотизимга катта зарар етказмоқда.

Муаммонинг чораси нимада?

Халқаро меҳнат ташкилоти маълумотларига кўра, яна тўрт йилдан сўнг евровалютага аъзо мамлакатларда ишсизлар сони йигирма икки миллион кишини ташкил этиши мумкин.

Мутахассисларнинг фикрича, ишсизлик даражаси, айниқса, ёшлар ўртасида юқори бўлишини тахмин қилмоқда. Шу жиҳатдан мазкур мамлакатларда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасини янада ривожлантириш, кредит ажратиш миқдорини кўпайтириш, тадбиркорлар фаолиятини кенгайтириш орқали муаммоларни ҳал этиш мумкин.

Дори-дармон ҳақиқийми?

Япония олимлари томонидан қалбаки дори-дармон маҳсулотларини аниқлайдиган қурилма яратилди.

Маълумотларга кўра, ушбу қурилмага ўрнатилган лазер ёрдамида бир неча сония ичида препаратлардаги кимёвий элементлар таркибини, яъни, дори-дармоннинг ҳақиқий ёки қалбакилигини аниқлаш мумкин. Мутахассисларнинг фикрича, мазкур қурилма дори-дармон маҳсулотлари бозорини назорат қилиш имконини беради. Ускуна, шунингдек, ўрамдаги дори воситаларини ҳам текшириш хусусиятига эга.

Хорижий ОАВ хабарлари асосида тайёрланди

● **РАНГИН ДУНЁ**

Италия Республикаси Жанубий Европада, Ўрта ер денгизи марказида жойлашган. Майдони 3011230 квадрат метр бўлиб, Апеннин ярим ороли, Падан текислиги, Альп тоғининг жанубий қисми, Сицилия, Сардиния ва яна бир нечта майда ороллари ўз ичига олади. Аҳолиси 60 миллиондан зиёд. Мамлакат пойтахти — Рим шаҳри.


Маълумки, Қадимги Рим замонавий дунёга жуда кўплаб ёдгорлик, меъморий обида ва иншоотларни тўхфа қилган. Улар орасида шубҳасиз, ўзининг йириклиги ва маҳобати билан ном қозонгани Колизей амфитеатридир. Бугунги кунда Колизей нафақат Рим ёки Италия, балки бутун дунё халқларининг меъроси ҳисобланади.

Эрамизга қадар I асрда бунёд этилган Колизей амфитеатр кўринишида бўлиб, Пантеондан бир ярим километрга жануби-шарқда жойлашган. Бирок, уни курган меъморнинг кимлиги бирорта ҳам тарихий ҳужжатларда учрамайди. Шуниси маълумки, иншоот қурилиши император Веспасиана амрига биноан бошланиб, 80-йили унинг ўғли Тит Флавийлар томонидан ниҳоясига етказилган. Сўнгий кўл устида қад ростирилган амфитеатрга аввал бошда ноқ Флавийлар номи берилди. Лекин, нима учундир омма орасида иншоот Колизей номи билан шуҳрат қозонади. Унинг бундай аталishiга император Неронга қўйилган бахайбат ҳайкал ҳам қайсидир маънода сабаб бўла олади. Негаки, "ко-

лизей" сўзи "бахайбат" деган маънони англатади.

Қадимги Римда амфитеатрлар жуда кўп бўлган. Шунга қарамай, уларнинг биронтаси ҳам Колизейга тенг келолмасди. Сабаби, Колизей тепаликлар устига қурилган одатий грек амфитеатрларидан тубдан фарқ қиларди. Колизей текислик ўрнида, алоҳида иншоот сифатида бунёд этилган. Ушанда эллипссимон иншоотнинг узунлиги 189, эни 156 метр бўлиб, 24000 квадрат метр майдонини эгаллаган. Ташқи деворларининг баландлиги 48, периметри бўйлаб 545 метрни ташкил қилган амфитеатр деворлари оҳақтош блоклардан кўтарилган. Бундай блоклар темир дастаклар ёрдамида бир-бирига кийдирилган. Колизейнинг шимолий фасади уч қанотли арқдан иборат бўлиб, тўртта асосий йўлак амфитеатр саҳнаси томон олиб чиққан. Атиги 10 дақиқа ичида томошабинлар рақамланган ўтириш жойларига чиққан. Колизей ўрта ҳисобда 50 миңдан зиёд кишини ўзига сиғдира олган. Амфитеатрга кириш мутлақо сабаб бўлган. Амфитеатрга кир-

Рим Колизейи



ган ҳар бир одам нон билан сийланарди. Шу боис, айрим одамлар шу ернинг ўзида тунаб ҳам кетаверган. Ахир Колизейда ўйинлар ўтказишдан қўзланган асосий мақсад халқнинг кўнглини овлаш, императорга нисбатан одамларнинг

ишончини янада ошириш бўлган. Колизей бундай вазифанинг удрасидан чиқди ҳам. Бу ерга томошабинлар оқиб келган. Айниқса, аёллар бундай томошаларнинг ашаддий ишқибозлари бўлишган.

Колизей ўриндилари бугун-

гидек сектор ва рақамлар орқали тартибга келтирилган. Томошабинлар келиб чиқишига қараб табақаланган. Масалан, амфитеатрда император учун ажратилган махсус бўлма ва ўриндик бўлган. Ундан кейинги қаторлардан эса унинг муло-

зимлари жой эгаллаган. Колизейнинг энг юқори қаторларида лифт қурилмасини бошқариб туривчи қуллар ўтирган. Бундай лифтлар сони ўшанда 36 та эди. Ундан-да юқори қаторлар император ҳарбий флоты денгизчилари учун ажратилган бўлиб, улар амфитеатрнинг ёғин-сочинлардан химояловчи улкан бўз матонинг вақтида олинишига жавобгар бўлишган. Ўзига хос тим вазифасини ўтаган ушбу мато 240 та устунга арқонлар ёрдамида тортилган. Ҳозирги кунда ушбу устуларни Колизейда учратиш кийин. Бирок, унинг ўрни амфитеатр деворларида ҳозир ҳам бор. Бундан ташқари, Колизей ўзининг ерости конструкциясига ҳам эга бўлган. У ерда мавжуд қафасларда ёввойи ҳайвонлар сақланган. Йўлакларда эса гладиаторлар жангга тайёрларик қуришган. Колаверса, мазкур конструкциялар ўша пайтда ниҳоятда мушкул бўлган сув устидаги олишувларни ўтказиш имконини ҳам берган.

Ўз даврида даҳшатли воқеаларга гувоҳ бўлган Колизейнинг очилиш маросими салкам юз кун давом этган. Ана шу вақт ичида Африкадан келтирилган 5 миңга яқин ёввойи ҳайвон, юзлаб гладиаторлар қурбон бўлган. Кўпчиликка машҳур гладиаторлар жангиди даствавал асирга тушган жангчилар ва ўлимга маҳкум этилганларгина қатнашарди. Қадимги Рим қонунларига кўра, жангда гала-га қозонган (пул мукофотига эга бўлган) инсон ўз ҳаётини сотиб олиш ҳуқуқига эга бўлган.

Лекин, кейинчалик бу ўйинларда қатнашиш шараф ҳисобланади, эркиндан воз кечган инсонлар ҳам унда қатнаша бошлашди. Ҳатто, аёллар ҳам митти одамлар билан мусобақалашиб истагини билдирадидилар.

405 йилга келиб император Гонорий гладиаторлар жангини таъқиқлайди. Бирок, ҳайвонлар олишуви Колизейда VI асргача давом этади. Ўрта асрларда эса Рим Колизейи олий табақа инсонлар учун истеҳком вазифасини ўтайди. Кейинчалик амфитеатр яна оммавий тадбирлар ўтадиган масканга айлантирилади. Айрим манбаларда қайд этилишича, XIV асрда Колизейда бўқалар жанги ҳам тез-тез ўтказиб турилган. Бирок, ўша асрнинг ўрталарида Рим каттиқ зилзиладан талофат қўради. Ана шу вақтдан бошлаб, Колизей қурилиш ашёлари майдонига айлантирилади. Иншоот деворининг маълум қисми бузилиб, гишtidан черковлар қуришда фойдаланилади. XIX аср охиригача эса Колизей диний маросимлар ўтказиладиган ибодатхона сифатида руҳонийлар измига ўтади.

Шунга қарамай, Рим Колизейи бугунги кунда ҳам ўзининг салобати ва маҳобатини йўқотган эмас. Бугунги кунда иншоот қисман бўлса-да, қайта таъмирдан чиқарилди. Гарчанди уни аввалги холига келтириб бўлмас-да, уни борича асраб-авайлаш, томоша қилиш имконияти бор. Зеро, Колизей Рим меъморчилик санъатининг энг нодир асари, унинг тимсоли бўлиб қолаверади.

Зафар МУХАММАД

КЎЗГҮ

Самарқанду Бухородек икки қадим шаҳарни бир бирига боғлаб турган Кармана йўлида Работи Малик тарихий обидаси ва сардоба мавжуд.

ФОЛЬКЛОР



«Сардоба»

АСРЛАРДАН, АЖДОДЛАРДАН... СЎЙЛАЙДИ

моани шакллантириш каби ташкилий ишлар нихоясига етган, 2007 йил бошидан «Сардоба» фольклор ансамбли ўз фаолиятини бошлади. Саралаб олинган 40 нафар иштирокчи, мусиқий раҳбар, балетмейстер, доира устаси билан ҳамкорликда ижодий меҳнат, изланишлар боис 2007 йил Наврўз умумхалқ байрами тантаналарида 30 дақиқалик театрлаштирилган томошалари билан ансамбль катта сахнага чиқади ва илк чиқишидаёқ иштирокчиларнинг олқишларига сазовор бўлади.

— Мана беш йилдирки ансамблимиз ҳудудимизга хос боқий қадриятлар, аънаналарни тарғиб этувчи, халқимизнинг ҳаёт тарзини ифодаловчи чиқишлари, айтишуви ва лапарлари, жозибали рақслари билан элнинг кўнглидан жой олиб кели-

мади. Шу боис муваффақиятлар ютуқларга эшик очди. 2009 йилда мазкур ансамбль республикамизда «Йилнинг энг яхши фольклор жамоаси» номинацияси бўйича ғолиб деб топилди ва шу йилнинг ўзидаёқ Болгария давлатида ижодий сафарда бўлди. Дунёнинг 20 га яқин мамлакатлари вакиллари иштирок этган халқаро фестивалда ўзига хос чиқиш қилган ансамбль аъзолари анжуман иштирокчиларининг олқиш ва кутловларига сазовор бўлди.

2010 йилда Жанубий Кореянинг Сеул шаҳрида ўтказилган халқаро фестивал таассуротлари ҳақида гапирар экан жамоа раҳбари, икки ҳафта давом этган анжуман давомида «Сардоба»га кўрсатилган эътибор, мезбонларнинг қизиқишларини ҳаяжон билан тилга олди.

Таъкидлаш ўринлики, барча соҳаларда эришилган муваффақият, ютуқлар замирида меҳнат ва изланиш, ташаббус ва фидойилик муҳим ўрин тутди. «Сардоба»нинг катта жамоаси ҳам меҳнат ва ижодий изланишдан бир зум бўлса-да тўхта-

мас бўлмади. Инсонларни маънавий баркамоллик сари етакловчи чиқишлари билан барчани ҳушнуд қилаётган ижодий жамоанинг келгуси фаолиятида ҳам омадлар ёр бўлсин.

— Жамоамиз аъзоларининг ҳар бир чиқиши ўзига хослиги билан ажралиб турди. Урф-одат ва аънаналаримизни акс эттирувчи кўшиқ, айтишуви ва рақслар, айниқса чанқовуз мусиқалари томошабинларнинг гулдурас қарсақлари билан уйғунлашиб кетди. Халқимизнинг ҳаёт тарзини ифодалаб берувчи миллий маросимлар, тўйу тантаналаримиз жо бўлган репертуаримиз хорижликлар томонидан катта қизиқиш билан кутиб олинди, дея сўзини давом эттирди Алишер.

Ансамбль аъзоларининг сони ҳозирда 50 нафардан зиёд. Уларнинг бари ўзига яраша истеъдод соҳибларидир. 75 ёшда бўлса-да ҳаракатлари чаққон Камола Боқиеванинг ҳудудимизга хос бўлган рақс ҳаракатлари, сахналаштирувчи режиссёр Шуҳрат Саидовнинг ўзига хос ширали овози, кўшиқчи Муборак Адизова талқинидаги халқ лапарларининг жозибаси, доира рақсини маромига етказиб ижро этишда мана-ман деган моҳир оладиган Жамшид Тоғаевнинг изланувчанлиги ансамблга шуҳрат олиб келмокда, десак муболага бўлмайди.

Ташкил топганига эндигина беш йил бўлган бўлса-да, эл назарига тушиб улгурган ансамбль аъзолари доимо ижодий парвозда. Боиси ҳозирги томошабин ҳақиқий санъатнигина қадрлайди. Фольклор кўшиқчилиги эса умрбоқий қадрият. Санъатни улғулаш, ундан бахт топиш учун фақат истеъдоднинг ўзи камлик қилади. Бунинг учун тинимсиз меҳнат, изланиш, ташаббус ва жонкуяр бўлиш керак.

Инсонларни маънавий баркамоллик сари етакловчи чиқишлари билан барчани ҳушнуд қилаётган ижодий жамоанинг келгуси фаолиятида ҳам омадлар ёр бўлсин.

Ўралош ТУРДИЕВА, «Milliy tiklanish» мухбири

Инсоннинг табиати тўғрилиқдан яралган. Ҳаёт давомида бундай табиий тўғрилиқ йўқолса, инсон ҳеч қачон бахтли бўлмайди.

Инсон ўзини шундай идора қилиши керакки, у бошқаларни худди ўзини ҳурмат қилгандек ҳурматлаши, бошқалардан ўзига нисбатан қандай муносабат кутса бошқаларга ҳам шундай муносабатда бўлиши лозим. Худди шу нарсани инсонсеварлик илми деб аташимиз мумкин.

БИЛАСИЗМИ?

Галапагос оролларида ҳам пингвинлар яшайди. Ваҳоланки, бу ерда ҳаво ҳарорати йил бўйи +18 дан +28 гача бўлади.

Лайлақлар 10 дақиқагача ухлаган ҳолда парвоз қилиши мумкин.

ТУРФА ОЛАМ

Ширин дарахт

ПОЛЬША ПОЙТАХТИ ВАРШАВАДА БАЛАНДЛИГИ ОЛТИ МЕТРГА ТЕНГ ШОКОЛАДЛИ ПАЛЬМА ДАРАХТИ ЯРАТИЛДИ.


Маҳаллий матбуотнинг ёзишича, ушбу ширин пальманинг оғирлиги 220 килограммга тенг бўлиб, ўттиз бешта барги бор. Дарахтнинг ўзи эса 500 килограмм тош босади. Маълумотларга кўра, шаҳар майдонларидан бирига «ўрнатилган» ушбу ширин пальмани тайёрлаш учун 300 соат вақт кетган. Ақция ташкилотчиларининг сўзларига кўра, бундан кўзланган асосий мақсад иш ташвишлари ва уй юмушларидан чарчаган пойтахт аҳли ва меҳмонлари қалбига оз бўлса-да кўтаринчилик улашишдан иборат. Майдонга йиғилганлар ана шу лаззатли ширинликлардан татиб кўриш имкониятига эга.



Антиқа кўзойнак

«БРАЗЕР» КОМПАНИЯСИ (ЯПОНИЯ) «ЭЙР СКАУТЕР» ДЕБ НОМЛАНГАН МОНИТОР-КЎЗЙОНАКЛАРНИ ОММА ЭЪТИБОРИГА ҲАВОЛА ҚИЛДИ.

Қурилма фойдаланувчи учун чексиз имкониятларни беради. Айниқса, учувчилар унинг ёрдамида кўниш йўлакчасини аниқ кўришлари мумкин. Ушбу кўзойнакни таққан инсон турган жойида турли хил хабар ва маълумотларни ўқиши, видеоматериалларни томоша қилиш имконига эга. «Эйр скаутер» кўзойнаклари ёрдамида тасвир тўғридан-тўғри кўзнинг тўр пардасига узатилади. Ҳатто, қурилма кўмагида видеосабоқлар олса ҳам бўлади.



Топилдиқ кема

АЛАБАМА ШТАТИДА (АҚШ) РҮЙ БЕРГАН ИСААК ТРОПИК ТЎФОНИ ДЕНГИЗ СОХИЛИГА ҚАЛИН ҚУМ УЮМЛАРИ ОСТИДА ЁТГАН КЕМАНИ ОЛИБ ЧИҚҚАН.

Ушбу қадимий кемани биринчи бўлиб соҳил яқинида яшовчи маҳаллий аҳоли топиб олган. Бугунги кунда ёрдамида ҳаракатланадиган бу кема тўлиғича ёғочдан ишланган. Археологларнинг таҳминича, «Рахиль» деб номланувчи ушбу сув транспорти бир пайтлар ҳарбий кема бўлган экан.



Энг узун автобус

GERMANYALIK MUTAHASSISLAR TOMONIDAN DUNEDA GI ENG UZUN AVTOBUS ISHLAB CHIKARILDI.

Айни пайтда Дрезден шаҳрида ана шундай автобус қатнови йўлга қўйилди ҳам. Фраунгофер институти маъмурияти берган маълумотларга қараганда, электр мотор ёрдамида ишлайдиган мазкур транспорт воситасининг бир марталик қуввати саккиз километрлик масофани босиб ўтишга етади. «Autotram» дея ном олган автобуснинг узунлиги 30 метр, кенлиги 2,55 метр, баландлиги эса 3,4 метрга тенг. Бундай автобус бир вақтнинг ўзида 256 нафар йўловчига хизмат кўрсата олади.

3.ЗОИРЖОНОВ тайёрлади



МАДАНИЯТ ХАБАРЛАРИ

Тошкентда театр фестивали

Учинчи «Theatre.UZ» халқаро театр фестивали шу йилнинг 1 октябрь кунини пойтахтимиздаги Ўзбекистон ёшлар театрида очилади.

Фонд Форум матбуот хизмати хабарига кўра, бу йилги фестиваль ижодий лаборатория шаклида ўтказилади. Унда юртимиздаги театрлар, шунингдек, Болгария, Россия, Исроил, Тожикистон, Қирғизистондан ташриф буюрган театр жамоалари ўз маҳоратларини намойиш этишади. Фестиваль давомида қўйиладиган спектакллар бир нечта тилларда ўйналади. Шунингдек, хорижий театрлар билан ҳамкорликдаги лойиҳалар ҳам тақдим этилади.

Келажаги порлоқ ёшлар

Тошкент давлат аграр университетидида «Келажак овози — 2012» республика кўрик-танловининг Тошкент вилояти босқичи ғолибларини тақдирлаш маросими ўтказилди.

Кўрик-танловнинг саралаш босқичида олти минг нафарга яқин йигит-қиз иштирок этган бўлса, шундан минг нафардан зиёди вилоят босқичида қатнашган. Бугун улар орасидан 39 нафар иқтидор соҳиби танловнинг республика босқичида қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритди.

Янги фильм тақдироти

Алишер Навоий номидаги кино саройида «Ўзбекино» миллий агентлиги буюртмасига асосан суратга олинган «Тубанлик» фильми премьераси бўлиб ўтди.

Режиссёр Ҳилол Насимовнинг «Тубанлик» фильмида долзарб муаммолар қаторида диний ақидапарастлик, қизларни барвақт турмушга бериш ҳамда фарзанд тарбиясида йўл қўйилган бефарқлик охири-оқибати қандай фожиага сабаб бўлиши мумкинлиги тўлақонли кўрсатиб берилган.

«Туркистон-пресс»

Туганмас гўзаллик

Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ҳамда Вьетнам Республикаси маданият, спорт ва туризм вазирлиги ҳамкорлигида ўтказилган Вьетнам маданияти кунлари доирасида пойтахтимиздаги Ўзбекистон маданияти ва санъати кўргазмалар залида «Вьетнам — туганмас гўзаллик» номли фотокўргазма ташкил этилди.

Экспозицияга қўйилган 60 дан ортиқ фотосуратларда ва бошқа тарқатилган материалларда Вьетнамнинг гўзал табиати, тарихий шаҳарлари, меъморий ёдгорликлари, маданияти ва санъати, вьетнамликларнинг турмуш тарзи ўз аксини топган. Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, келаси йили Вьетнамда ҳам ўзбек маданияти кунлари ўтказилиши кутилмокда.

Ҳасан АБДУНАЗАРОВ

ХАЛҚ ФАРОВОНЛИГИ
ФАОЛИЯТИМИЗ МЕЗОНИ!

Бизнес доиранингизни кенгайтириш имкониятлари бор!

Агробанк мижозига айланинг ва халқаро иқтисодий муносабатларингизни кенгайтиринг

www.agrobank.uz Хизматлар лицензияланган